

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОИЛЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК: _____

ЖУМАНАЗАРОВ ДИЛШОД ШУХРАТОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ
ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

Мутахассислик: 5А231301 – “Пенсия иши”

Магистр академик даражасини олиш ушун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий рахбар:

ф. проф. З.Каримова

ТОШКЕНТ – 2018

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
И ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИНИНГ НАЗАРИЙ- БОБ. ҲУҚУҚИЙ ВА ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИ.....	7
1.1. Пенсия таъминоти тизимининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимида тутган ўрни.....	7
1.2. Ўзбекистон Республикасида пенсия таъминоти тизимининг ривожланиш босқичлари ва ҳуқуқий асослари.....	15
1.3. Жаҳон мамлакатларида амалда бўлган пенсия таъминоти тизимларининг турлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари.....	24
И боб бўйича хулоса.....	33
ИИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ БОБ. ТИЗИМИНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ.....	34
2.1. Миллий пенсия таъминоти тизимининг жорий ҳолати ва унга оид тенденциялар таҳлили.....	34
2.2. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг молиявий ҳолати таҳлили.....	45
2.3. Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизими ва унинг таҳлили.....	54
ИИ боб бўйича хулоса.....	65
ИИИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ПЕНСИЯ БОБ. ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ.....	67
3.1. Миллий пенсия таъминоти тизимидаги ўзига хос муаммолар ва уларни бартараф етиш масалалари.....	67
3.2. Миллий пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш йўллари.....	74

ИИИ боб бўйича хулоса.....	79
ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.....	81
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	85

КИРИШ

Магистрлик диссертацияси мавзусининг долзарблиги. Ҳозирги иқтисодий шароитда давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири пенсия таъминоти тизимини ислоҳ қилиш ва унинг молиявий барқарорлигини таъминлаш ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев мамлакатимизни 2016-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида: “Солиқ-бюджет сиёсатида қатъий амал қилиш, давлатнинг ижтимоий мажбуриятларини бажариш, иш ҳақи, пенсия, нафақа ... молиялаштириш – ушбу энг муҳим вазифаларни амалга ошириш, аввало, Молия вазирлиги ва шахсан вазирнинг фаолияти самарадорлиги билан белгиланади”¹. Албатта, давлатнинг ижтимоий мажбуриятларини бажариш бевосита пенсияларнинг пенсионерларга ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда тўланиш масаласини ҳам ифода этади. Шу билан бирга, аввало, Пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигига ҳам боғлиқ бўлади.

Жаҳон амалиётида пенсия фондлари ҳар бир давлатнинг энг муҳим молиявий институтларидан бири ҳисобланади. Унинг самарали фаолият кўрсатиши ижтимоий фаровонликнинг даражасига бевосита таъсир кўрсатади. Шунингдек, пенсия тизими ҳар қандай давлат молия тизимининг муҳим таркибий қисми ҳисобланиб, ҳар йили у орқали ялпи ички маҳсулот (ЙИМ)нинг маълум бир қисми қайта тақсимланади. Бу кўрсаткич Италияда 14,2 фоизни, Францияда 13,3 фоизни, Германияда 12,3 фоизни, Швецияда 11,3 фоизни, АҚШда 6,3 фоизни, Буюк Британияда 6,4 фоизни, Канадада 6 фоизни, Японияда 5,7 фоизни ва Россияда 6,5 фоизни ташкил қилади². Шу боисдан ҳам сўнгги йилларда жаҳон мамлакатларида давлат томондан пенсия

¹ Mirziyoyev Sh.M. Tanqidiy tahlil, qat'iy tartib-intizom va shaxsiy javobgarlik – har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo'lishi kerak. – Toshkent: “O'zbekiston”, 2017. 29-30-b.

² Борисенко Н.Ю. Пенсионное обеспечение. Учебник. – М.: «Дашков и К⁰», 2009. – С. 7.

таъминоти ва пенсия фондлари фаолияти тараққиётига, уларнинг барқарор фаолиятини таъминлашга катта ётибор қаратилмоқда.

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси молиявий барқарорлигининг таъминланиши пенсия таъминоти тизимини ислоҳ қилиш, Ўзбекистон Республикасида пенсия таъминоти тизимини тадқиқ қилиш, ушбу тизимдаги ечимини кутаётган муаммоларнинг сабабларини ўрганиш, ушбу тизимини такомиллаштиришга қаратилган илмий асосланган таклиф-тавсиялар ишлаб чиқиш талабини кун тартибига қўяди. Ушбу ҳолатлар, ўз навбатида, магистрлик диссертация мавзусининг долзарблигини ифодалайди.

Тадқиқот объекти ва предмети. Ўзбекистон Республикасида пенсия таъминоти тизими тадқиқот объекти ҳисобланади. Тадқиқот предметини пенсия таъминоти тизими билан боғлиқ бўлган ҳуқуқий-иқтисодий муносабатлар ташкил қилади.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари. Магистрлик диссертация ишининг мақсади Ўзбекистон Республикасида пенсия таъминоти тизимини такомиллаштиришга қаратилган илмий асосланган таклиф-тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат. Ушбу мақсадга еришиш учун қуйидаги вазифалар ҳал этилиши зарур:

- пенсия таъминоти тизимининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимида тутган ўрнини ёритиш;
- Ўзбекистонда пенсия таъминоти тизимининг ривожланиш босқичлари ва ҳуқуқий асосларини ўрганиш;
- жаҳон мамлакатларида амалда бўлган пенсия таъминоти тизимларининг турлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этиш;
- Ўзбекистон Республикаси пенсия таъминоти тизимининг жорий ҳолати ва унга оид тенденцияларни таҳлил қилиш;
- бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг молиявий ҳолатини тадқиқ этиш;
- Ўзбекистон Республикасида жамғариб бориладиган пенсия таъминотини таҳлил қилиш;

– миллий пенсия таъминоти тизимидаги ўзига хос муаммоларни аниқлаш;

– пенсия таъминоти тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Илмий янгилиги:

– “пенсия” ва “пенсия тизими” тушунчаларининг моҳияти тавсифланган, уларнинг ўзига хос хусусиятлари очиқ берилган;

– пенсия тизимининг хориж амалиёти асосида Ўзбекистон Республикасида пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштиришга оид таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилган;

– фуқароларнинг иш ҳақиларидан суғурта бадаллари ва Пенсия жамғармаси даромадлари омилларининг корреляцион таҳлили асосида суғурта бадали бўйича тушумлар ҳажмининг Пенсия жамғармаси даромадлари ҳажмининг ўсишига тўғри пропорционаллиги ва бу боғлиқлик жуда кучли эканлиги аниқланди ҳамда бу хусусда тавсиялар шакллантирилди;

– Ўзбекистон Республикаси пенсия таъминоти тизимидаги ўзига хос муаммолар аниқланди ва уларни бартараф этиш юзасидан илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқилди.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Тадқиқот ишида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсияларнинг амалиётда қўлланилиши Ўзбекистонда давлат пенсия таъминоти тизимини ислоҳ этиш Концепциясининг яратилишини ва истиқболда пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш имконини беради.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи (таҳлили). Пенсия таъминоти тизимини ривожлантириш ёналишлари хорижлик иқтисодчи-олимлар Жун Пенг, Роберт Фенге, Беатрисе Счеубел кабилар томонидан тадқиқ қилинган. Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) олимларидан Антропов В., Борисенко Н., Гладышева Е., Романченко В., Бровчак С.,

Федотов А.лар пенсия таъминоти тизими ва хориж тажрибалари юзасидан илмий-тадқиқот ишини олиб борганлар.

Ўзбекистон иқтисодчи-олимларидан Б.Умурзаков, Т.Маликов, А.Вахабов, З.Каримова, Г.Касимова, Б.Маматов, Н.Мажидов, М.Ниязовларнинг илмий ишларида давлат пенсия таъминоти тизимининг айрим жиҳатлари ўрганилган.

Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи. Тадқиқот жараёнида динамик, қиёсий, дедуктик, мантиқий, аналитик, корреляцион ва бошқа таҳлил усулларида фойдаланилди.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот ишида ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистонда давлат пенсия таъминоти тизимини ислоҳ етиш Концепциясининг ишлаб чиқилишида фойдаланиш мумкин. Тадқиқот ишининг амалий аҳамияти шундаки, диссертация материалларидан “Ижтимоий таъминот” ва “Ижтимоий суғурта” фанларининг ўқув дастурини ўқитишда ва такомиллаштиришда фойдаланиш мумкин.

Иш тузилмасининг тавсифи. Магистрлик диссертация иши таркибий жиҳатдан кириш, 3 боб, 8 та параграф, хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Магистрлик диссертациясининг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, ишнинг мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети, илмий янгилиги баён қилинган.

Магистрлик диссертациясининг биринчи бобида пенсия таъминоти тизимининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимида тутган ўрни, ривожланиш босқичлари ва ҳуқуқий асослари ҳамда жаҳон мамлакатларида амалда бўлган пенсия таъминоти тизимларининг турлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари ёритилган. Магистрлик диссертациясининг иккинчи бобида Ўзбекистон Республикаси пенсия таъминоти тизимининг жорий ҳолати ва унга оид тенденциялар, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг молиявий ҳолати ҳамда

жамғариб бориладиган пенсия таъминоти таҳлил қилинган. Магистрлик диссертациясининг учични бобида миллий пенсия таъминоти тизимидаги ўзига хос муаммолар аниқланган ҳамда пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш йўллари очиб берилган. Магистрлик диссертациясининг хулоса қисмида мавзу юзасидан умумлашган хулосалар шакллантирилган ҳамда Ўзбекистон Республикасида пенсия таъминоти тизимини такомиллаштиришга қаратилган таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилган.

И БОБ. ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ВА ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Пенсия таъминоти тизимининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимида тутган ўрни

“Ёши улуг инсонлар, катта авлод вакилларига еътибор ва амалий ғамхўрликни кучайтириш, уларнинг пенсияларини ошириш, тиббий хизмат ва ижтимоий-маиший таъминотни яхшилаш бундан буён ҳам Президент учун, Ҳукуматимиз ва барча ҳокимликлар учун енг муҳим устувор вазифалардан бири бўлиб қолади. Шу мақсадда пенсионерлар, ёлғиз қария ва ногиронларга давлат кўмагини кучайтириш бўйича айна пайтда кенг камровли чора-тадбирлар комплекси ишлаб чиқилди ва улар сўзсиз амалга оширилади”³. Албатта, Юртбошимизнинг ушбу фикрлари мамлакатимизда кекса ёшдаги аҳолининг муносиб турмуш фаровонлигини таъминлаш, уларнинг ижтимоий таъминотини янада яхшилаш масалаларига бевосита дахлдордир. Бундай еътиборнинг иқтисодий жиҳати мамлакатда шаклланган пенсия таъминоти тизимида ўз ифодасини топмоқда. Бугунги кунда давлат пенсия таъминоти тизимининг давлатнинг ижтимоий сиёсатини амалга оширишдаги ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Пенсия таъминоти механизмлари орқали кексайган ва меҳнат қобилиятини йўқотган жамият аъзоларининг муносиб турмуш кечириши учун моддий асос яратилмоқда. Мамлакатимизда кейинги йилларда олиб борилаётган ижтимоий сиёсат, айниқса, 2015-йилнинг “Кексаларни еъзозлаш йили” деб еълон қилинганлиги муносабати билан кексаларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини янада яхшилаш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш қўламини кенгайтириш, ёши улуг инсонларга ижтимоий, пенсия таъминоти ва тиббий хизмат кўрсатишни

³ Mirziyoyev Sh.M. Erkin va farovon, demokratik O'zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti lavozimiga kirishish tantanali marosimiga bag'ishlangan Oliy Majlis palatalarining qo'shma majlisidagi nutq. – Toshkent: “O'zbekiston”, 2016. 12-b.

такомиллаштириш, оила ва жамиятда кексаларнинг ўрнини мустаҳкамлаш мақсадларига қаратилган.

“Бугунги кунда мамлакатимизда 60 ёшдан ошганлар сони 2 миллион 873 мингдан кўпроқ кишини ташкил этади. Мустақиллик йилларида халқимизнинг ўртача ёши 1990-йилдаги 67 ёшдан 73,5 ёшга, аёллар ўртасида еса 75,8 ёшга етди. Айни пайтда юртимизда 225 минг нафар 80 ёшдан, 44 минг нафар 90 ёшдан, 8 минг 700 нафар – 100 ёшдан ошган табаррук қариялар яшамоқда. Улар орасида 3 минг 109 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 69 минг 994 нафар фронт ортида меҳнат қилган инсонлар бор”⁴. Шу муносабат билан “кексаларга ғамхўрлик кўрсатиш ва еътиборни кучайтириш, уларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш учун қулай ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратишга қаратилган қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, пенсия таъминоти ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, ёши улў инсонларга давлат хизматлари кўрсатишнинг енг қулай тизимини шакллантириш”⁵ билан боғлиқ “Кексаларни ёъзозлаш йили” Давлат дастурида белгиланган вазифалар мамлакатимиз пенсия таъминоти тизими зиммасига ҳам катта масъулият юкламоқда.

“Пенсия” сўзи лотинча “пенсион” сўзидан олинган бўлиб, меҳнат қобилиятини, ва демак, иш ҳақи кўринишидаги даромад манбаини йўқотганда, қариликда, ногиронликда ёки боқувчисини йўқотганда моддий таъминлаш учун мунтазам тўланиши мўлжалланган пуллик тўлов маъносини англатади. Ўзбекистоннинг қонун ҳужжатларида⁶ “пенсия – уни олиш ҳуқуқи Қонунда белгиланган шартларга ва меъёрларга мувофиқ аниқланадиган ҳамда шахсларга пенсия ёшига тўлиш, ногиронлик ёки боқувчисини

⁴ O‘zbekiston Respublikasining Birinchi Prezidenti I. Karimovning O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi qabul qilinganining 22 yilligiga bag‘ishlangan tantanali marosimdagi ma‘ruzasi. Xalq so‘zi.// 06.12.2014.

⁵ O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2015-yil 18-fevraldagi “Keksalarni e‘zozlash yili” Davlat dasturi to‘g‘risida”gi PQ-2302-sonli Qarori. O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2015 y., 8-son, 91-modda.

⁶ O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2011 yil 8 sentyabrdagi “Davlat pensiyalarini tayinlash va to‘lash tartibini yanada takomillashtirishga yo‘naltirilgan normativ-huquqiy hujjatlarni tasdiqlash to‘g‘risida”gi 252-sonli Qarori.

йўқотганлик муносабати билан бериладиган ойлик пул тўлови” сифатида тавсифланган.

Кўпгина иқтисодий адабиётларда пенсия атамасига турлича таърифлар берилган. Жумладан:

– “пенсия – қарилик, ногиронлик, хизмат қилган йиллари учун ва боқувчисини йўқотганда фуқароларни моддий жиҳатдан таъминлаш учун пул суммаларининг кафолатланган ҳар ойлик тўлови”⁷;

– “ишловчиларнинг пенсия жамғармасига тўловлари, иқтисодий нуқтаи назардан улар иш ҳақининг бир қисмидир. У ишчи кучининг кийматиға киради, аммо институционал муайян кечиктирилган муҳлатда амалға оширилади, бу ишловчиларнинг Пенсия жамғармасига қўйган ва қайтарилиши лозим бўлган ўзига хос мақсадли улуши, омонатидир”⁸;

– “пенсия – суғурталанган шахсга унинг йўқотилган муайян даромад миқдорини белгилаб турувчи даражасининг компенсациясидир”⁹;

– “пенсия фуқароларнинг қариликдаги молиявий барқарорлигини таъминловчи енг муҳим даромад манбаи”¹⁰;

– “фуқароларнинг қонунчиликда белгиланган кексалик ёшига етганида, ногиронлик туфайли меҳнат фаолиятини йўқотганида, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганида ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда қонунчиликда белгиланган шартлар ва меъёрлар асосида бериладиган ҳар ойлик тўловлар”¹¹.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, пенсияга қуйидагича таъриф бериш мумкин: фуқароларга пенсия ёшига тўлиши, ногиронлиги ва боқувчисидан маҳрум бўлганлиги туфайли қонунчиликда белгиланган шартлар ва меъёрлар асосида бериладиган ҳар ойлик тўловларга пенсия дейилади.

⁷ Vahobov A.V., Malikov T.S. Moliya. Darslik. – T.: “Noshir”, 2012. – B. 676.

⁸ Allayarov Sh., Toshmuxeimedova D. Davlat pensiya ta’minoti. O’quv qo’llanma. – T.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2015. – B. 232.

⁹ Umurzakov B.X. Pensiya badali soliq to’lovlaridan nima bilan farqlanadi? – T.: “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. 1-son, 2011. – B. 5.

¹⁰ Jun Peng. State and Local Pension Fund Management. (Public Administration and Public Policy) 0th Edition. USA: Publisher: Auerbach Publications (August 21, 2008). – P. 2-5.

¹¹ Mamatov B.S. Pensiya jamg’armasi faoliyati. – T.: “Barkamol fayz media”, 2017. 13-b.

Шундан келиб чиққан ҳолда, пенсия тизими деганда мамлакат фуқароларини маълум ёшга етганда, ногиронликда, боқувчисини йўқотганда моддий жихатдан таъминлаш билан боғлиқ бўлган ҳукукий, молиявий, ташкилий муносабатлар, шунингдек, махсус ихтисослашган ташкилий тузилмалар йиғиндиси тушунилади.

Турли мамлакатлар миллий пенсия тизимларининг шаклланишида қуйидаги икки ёндашув асос бўлиб хизмат қилган: биринчи ёндашувга кўра, пенсия тизимига жалб қилинган барча фуқаролар учун пенсия даромадининг минимал ҳажми кафолатланса, иккинчи ёндашув бўйича пенсия – иш ҳақининг заҳираланувчи қисми бўлиб, суғурталанган ходимга унинг пенсияга чиқиш олдидаги даромадига монанд моддий таъминотга ега бўлишни кафолатлайди.

Пенсия таъминотининг ривожланиши жараёнида ҳар иккала мақсад уйғунлашиб кетди, универсал пенсия тизимлари суғуртавий тизимлар билан тўлдирилди, суғуртавий тизимлар еса минимал кафолатларни ўз ичига ола бошлади. Шундай қилиб, пенсияларнинг иккиёқлама табиати, нафақат, умумқабул қилинди, балки деярли барча ривожланган пенсия тизимларининг шаклланишига асос бўлиб хизмат қилди.

Пенсияларнинг иккиёқлама характери шунда намоён бўладики, биринчидан, пенсия камбағалликдан ҳимоялаб, пенсия даромадининг минимал даражасини кафолатласа, иккинчи томондан, маълум белгиланган суғурта ҳолатлари юзага келганда иш ҳақининг ўрнини босади, яъни йўқотилган даромадни ёки унинг қўп қисмини компенсациялайди.

Аксарият пенсия тизимларининг асосини, уларнинг институционал тузилиши ёки қўлланиладиган молиявий механизмларидан қатъий назар, ижтимоий пенсия суғуртаси тамойилларига қурилган пенсия дастурлари ташкил қилади.

Ўзининг ижтимоий мазмун-моҳиятига кўра, *пенсия суғуртаси* меҳнаткашлар томонидан яқка ва жамоавий тарзда ўз жорий даромадларининг бир қисмини бошқариш ва назоратнинг суғуртавий ва

давлат механизмлари (қонуний, ташкилий ва молиявий) ёрдамида захираладан иборат.

Келгусидаги суғуртавий пенсиянинг миқдори қатор омилларга боғлиқ эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим, булар:

- суғурта стажининг давомийлиги;
- суғурталанадиган иш ҳақининг миқдори;
- суғурта тарифининг катта-кичиклиги;
- келгусидаги тўловлар даврининг давомийлиги.

Шунинг учун пенсия суғуртасининг молиявий механизмини ишлаб чиқишда шундай ҳисоб-китоблар тизими қўлланиладики, улар суғурталанган ва пенсияга чиқаётган фуқаро гуруҳлари олдидан юзага келган мажбуриятларни келгусидаги тўловлар даври мобайнида мунтазам равишда бажариш (пенсияларни тўлаб бориш) учун етарли бўлишини таъминлаши керак. Бу вазифани бажариш анча қийин эканлигини еътироф этиш лозим, чунки у олдиндан аниқлаш қийин бўлган қатор омилларга боғлиқ: суғурта бадалларини тўлаб бориш (30-50 йил) ва пенсия олиш (20-30 йил) давларининг давомийлиги, бу даврда меҳнат ҳақи ва инфляция даражасида жиддий ўзгаришлар содир бўлиши, пенсионерлар ва ишловчиларнинг ҳам абсолют миқдори, ҳам бир-бирига нисбатлари сезиларли ўзгариши мумкин.

Пенсия тўловларини тақдим этиш шартлари ва меъёрларининг, мамлакатдаги демографик ва иқтисодий аҳволнинг пенсия тизимларининг молиявий ҳолатига таъсирини ўлчаш ва баҳолаш мақсадида бир қатор кўрсаткичлардан фойдаланилади, улар, ўз навбатида, пенсия тизими молиявий механизмларини тушуниш ва тизимнинг келгусидаги даромад ва харажатларини баҳолашга ёрдам беради.

Ҳар бир мамлакатда у ёки бу пенсия модели асосида миллий пенсия тизимлари шаклланган бўлади. Пенсия тизимининг модели унинг молиявий жиҳатдан ташкил этилишини ҳамда мамлакат фуқароларини қариликда моддий жиҳатдан таъминлаш билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатларни ифодалайди.

Пенсия таъминоти тизими ижтимоий ҳимоянинг бир бўғини сифатида юзага келди. Дастлаб пенсия таъминоти давлат томонидан тўлиқ кафолатланган бўлса-да, кейинчалик иқтисодиётнинг трансформациялашуви натижасида ушбу соҳа авлодлар ўртасида даромадларни қайта тақсимлаш вазифасини бажарди. Айтиш пайтда “даромадларни вақтлараро тақсимлаш”ни янада такомиллаштириш муҳим вазифага айланди.

Турли пенсия тизимларини таҳлил қилиш уларнинг элементлари ва хусусиятларини муҳим белгиларига кўра гуруҳлаш имконини беради (1.1-жадвал). Турли пенсия тизимлари ана шу белгиларига кўра бир-биридан фарқ қилади.

1.1-жадвал

Пенсия тизимларини тавсифловчи мезонлар таркиби¹²


Тартибга солиш соҳаси	Мезонлар турлари
Пенсияларни тайинлаш ва тўлаш шартлари	- пенсия ёши, ш.ж. аёллар ва еркаклар учун; - суғурта стажи, ш.ж. аёллар ва еркаклар учун; - ишловчи пенсионерларга пенсияларни тўлаш тартиби; - муддатидан олдин пенсияга чиқиш тартиби.
Пенсия миқдорини ҳисоблаш тартиби	- пенсия таъминотининг кафолатланган меъёрлари (пенсияларнинг энг кам миқдори, ш.ж. суғуртавий ва ижтимоий пенсиялар бўйича); - ўртача пенсия миқдорининг ўртача иш ҳақи миқдорига нисбати; - иш ҳақи миқдорини ҳозирги кун даражасига ренлаштириш тартиблари; - пенсияни ҳисоблаш ва суғурта бадалларини ундиришда қабул қилинадиган иш ҳақининг юқори даражаси
Молиявий жиҳатдан таъминланиши	- асосий ижтимоий субъектларнинг (иш берувчилар, ишловчилар, давлат) пенсия тизимини молиявий жиҳатдан таъминлаш бўйича мажбуриятлари; - ижтимоий пенсияларга харажатлар миқёси; - тақсимланадиган, жамғариб бориладиган ва аралаш пенсия тизимларида молиявий таъминот манбаларининг таркиби ва тузилиши; - ўрта ва узоқ истиқболда пенсия тизими харажатларининг ЯИМдаги улуши.

¹² Борисенко Н.Ю. Пенсионное обеспечение. Учебник. М.: «Дашков и К*». 2009. – С. 32-35.

Пенсия тизимларини шакллантириш учун шароитлар ва унинг қиймати	- мамлакатнинг иқтисодий ва демографик ривожланиш истикболларига боғлиқ равишда пенсия тизимларини шакллантириш босқичлари; - пенсия суғуртаси тўловчилар билан пенсионерлар сонининг нисбати; - молиявий институтларни яратиш босқичлари; - суғурта заҳираларини шакллантириш даражаси.
Бошқарув органи	- бошқарув органларининг тузилиши; - ижроия органларининг таркиби; - назорат қилувчи органларнинг таркиби ва ваколатлари.

Умуман олганда, мамлакатда аҳолининг пенсия таъминоти даражаси устувор равишда иккита омилга боғлиқ: ижтимоий ҳимоя тизимининг қай даражада ривожланганлиги ва мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражаси. Ҳар иккала омил, шунингдек, пенсия таъминоти даражаси мамлакатдаги тарихий, маданий, иқтисодий ва ижтимоий шарт-шароитлар билан белгиланади.

Миллий пенсия тизимларини ташкил этишнинг *асосий тамойиллари* қуйидагилардан иборат:




1.1-расм. Миллий пенсия тизимларининг мазмуни ва ташкил етишнинг асосий тамойиллари¹³

Юқоридаги тамойилларга амал қилиниши учун пенсия тизимлари иқтисодий мақбулликни, индивидуал адолатни ва ижтимоий самарани таъминлаши керак.

Иқтисодий мақбуллик ва самарадорлик суғурта юкини суғурта бадалларини (ёки ягона ижтимоий тўловни) тўловчилар билан пенсия олувчилар ўртасида оқилона ва адолатли тақсимлашни назарда тутди.

Индивидуал адолат пенсия суғуртаси билан суғурталанган шахснинг пенсия тизимини молиялаштиришда иштирок етиш қўламлари билан унинг пенсия олишга бўлган ҳуқуқларининг эквивалентлиги ёки аниқ боғлиқ бўлиши билан ифодаланади.

Ижтимоий самарага еришиш учун пенсия тизими, нафақат, ундаги иштирокчига минимал кафолатларни таъминлаб бериши (минимал пенсиялар), балки барча пенсионерларга муносиб яшаш даражасини таъминлаши зарур.



1.2-расм. Пенсия тизимининг аҳолини ижтимоий ҳимоялашдаги ўрни¹⁴

¹³ Tadqiqotlar natijasida magistrant tomonidan tuzildi.

¹⁴ Tadqiqotlar natijasida magistrant tomonidan tuzildi.

Кўпчилик пенсия тизимларидаги ислохотлар, айнан, иқтисодий самарадорликка еришишга қаратилмоқда ва бундан кўп ҳолларда ижтимоий самарага путур етмоқда. Иқтисодий самарадорлик суғурта тўловларини тўловчи фаол аҳоли билан пенсия оловчи аҳоли ўртасида шундай қайта тақсимлашни назарда тутадик, маблағларнинг бундай қайта тақсимоти ишловчи аҳолига оғир юк бўлиб ётмасин, шу билан бирга, пенсия тўлаш билан боғлиқ бўлган жорий ва келгусидаги мажбуриятларни бажариш учун етарли маблағларни таъминлай олсин. Бошқача айтганда, пенсиялар бўйича суғурта тарифининг миқдори ёки ижтимоий солиқ бўйича солиққа тортиш ставкаси пенсия тизими молиявий мажбуриятларини қоплаш учун етарли даражада белгиланиши, аммо иқтисодий ўсишга ва меҳнат унумдорлигининг ошишига ҳалақит берадиган ҳамда миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлигини пасайтирадиган даражада юқори бўлмаслиги зарур.

Охирги ўн йилликлар мобайнида кўп мамлакатлар ўзларининг амалдаги пенсия тизимларини ижтимоий-иқтисодий ва демографик шароитларининг ўзгариши билан боғлиқ бўлган ислох қилиш зарурати билан тўқнаш келмоқдалар. ХХИ аср бошларидан жаҳон мамлакатларида авлодлар бирдамлиги ва жамғариш тизимларига асосланган пенсия тизимлари амал қилмоқда. Бирдамлик пенсия тизими авлодлар, иш берувчилар ва ишловчилар, юқори ва паст иш ҳақи оловчи ходимлар бирдамлигига асосланган ва у бирдамлик тамойили асосида молиялаштирилади. Бирдамлик пенсия тизими давлатга тегишли бўлиб, уни корхона ёки бир тармоқ миқёсида ташкил этиш мумкин эмас. Бирдамлик тизимининг муҳим жиҳати шундаки, у қайта тақсимлаш тамойилига асосланганлиги учун пенсионерлар ўртасида қашшоқликни жиддий камайтиради.

Авлодлар бирдамлиги тамойилига қурилган Ўзбекистон Республикасининг пенсия тизими ҳам охирги йиллар давомида қатор ўзгаришларни бошидан кечирди, бу ўзгаришлар биринчи навбатда мамлакат иқтисодиётини бозор шароитларига мослаштириш ва бозор муносабатларига ўтиш билан боғлиқ бўлди. Жаҳон амалиёти асосида давлат пенсия

тизимининг молиявий ресурслари давлатнинг мустақил бюджетдан ташқари фондига – Пенсия жамғармасига бириктирилди, пенсия таъминотида суғуртавий тамойиллар мустаҳкамланиб борди, бутунлай янгича бўлган жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизими шаклланди.

Шу билан бир қаторда, мустақиллик йилларида мамлакатимиз пенсия тизимининг ташкилий ва ҳуқуқий асослари ҳам шаклланиб, такомиллашиб борди. Бу борадаги дастлабки қадам бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг 1993-йил 3-сентябрдаги “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонунининг қабул қилиниши бўлди. Ушбу қонун ва ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган бошқа меъёрий ҳужжатлар амалдаги пенсия таъминоти тизимининг ҳуқуқий асосини ташкил етди. Бу қонуннинг моҳиятини пенсионерларнинг жамиятда тутган ўрни, бозор иқтисодиёти шароитида уларни ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш, пенсия миқдорини бевосита меҳнат стажининг давомийлиги ва иш ҳақи миқдориغا боғлиқлигини таъминлаш ташкил етади.

1.2. Ўзбекистон Республикасида пенсия таъминоти тизимининг ривожланиш босқичлари ва ҳуқуқий асослари

Ўзбекистонда ҳозирги пенсия тизимининг шаклланиши ва ривожланишини 6 босқичга бўлиш мумкин:

1. *Биринчи босқич* (1918-1956-йиллар) даврида меҳнатда майибланиш ёки касб касаллиги туфайли ногирон бўлганларга, қарияларга ва кўп йиллик хизматлари учун каби пенсия турлари жорий етилди. Аёллар ва еркакларга ёшига қараб пенсия белгилаш ҳам ўша даврда қарор топди. Шўро ҳокимияти даврида, асосан фуқаролар урушида ногирон бўлганлар ва боқувчисини йўқотган оилалар учун пенсия тайинланган. 1928-йилдан кексалик ва кўп йиллик хизматлари учун пенсиялар, дастлаб саноатнинг алоҳида ишчилари, кейинчалик еса барча ишчиларга берила бошлади. 1937-йилга келиб бу

пенсия хизматчилар учун ҳам жорий етилди. Пенсия таъминотида ягона тартиб йўқ бўлиб, пенсия тармоқлар тамойили бўйича тайинланган.

2. *Иккинчи босқич* (1956-1990-йиллар) даврида давлат пенсия таъминоти тўғрисида илк бор ягона қонун (“Давлат пенсиялари тўғрисида”) қабул қилинди (1956-йил). Бу қонунга асосан барча тармоқ ишчи-хизматчилари учун (колхозчилардан ташқари) ягона пенсия тартиби белгиланди. 1964-йилда “Колхоз аъзоларига пенсия тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низом қабул қилинган, барча колхозчилар учун ягона пенсия таъминоти жорий бўлди. Меҳнатга вақтинча қобилияти йўқлиги учун нафақалар, аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш учун бериладиган нафақаларнинг миқдори кўпайтирилди. 1965-йилга келиб, аҳолининг барча қатламлари пенсия таъминоти билан қамраб олинди.

3. *Учинчи босқич* (1990-1994-йиллар) мамлакат иқтисодиёти бозор муносабатлари тартибига ўта бошлагач, пенсия таъминотида ҳам ислохотлар ўтказилиши билан бошланди. Бу босқичда илк бор пенсия жамғармаси, ижтимоий пенсия, даромадларни индексациялаш тушунчалари пайдо бўлди. 1990-йилда ўша даврдаги пенсия таъминотининг ҳуқуқий асосини собиқ Иттифок фуқароларининг пенсия таъминоти тўғрисидаги қонун ташкил қилди. Қонунга кўра, ёшга доир пенсияларнинг таянч қисми ўртача иш ҳақининг 50% дан 55% га кўтарилди; ёшга доир пенсия тайинлаш учун талаб қилинадиган меҳнат стажидан ортиқ бўлган ҳар бир тўлиқ иш йили учун пенсиянинг ўртача миқдорини 1% га ошириш; иш стажига олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ўқиш муддатлари, суғурта бадаллари тўланганда яқка тартибдаги меҳнат фаолияти, оналарнинг болаларни гўдаклик ёшида парваришлаш даврлари (ҳар бир бола 3 ёшга тўлгунча – жами 6 йил доирасида) ва бошқа иш стажига қўшиладиган бўлди.

Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг 1991-йил 14-январдаги 9-сон қарорига асосан Пенсия фондининг Ўзбекистон

жумҳурият бўлими ташкил етилган¹⁵. Ижтимоий таъминот тизимида давлат кафолатларини амалга ошириш ҳамда ижтимоий суғурта маблағларининг тўғри ва самарали сарфланиши устидан назоратни кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгашининг 1993-йил 4-августдаги 391-сон қарорига мувофиқ, собиқ Иттифок Пенсия фондининг Ўзбекистон Республика бўлими негизида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ижтимоий суғурта жамғармаси ташкил етилган¹⁶. Унга Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши тизимидан вақтинча меҳнатга қобилияти қисқариб қолган, ҳомиладорлик ва туғиш бўйича, фарзанд туғилганда, дафн этишга бериладиган нафақаларни тўлашга йўналтириладиган давлат ижтимоий суғурта маблағлари берилган.


Ўзбекистон Республикасининг 1993-йил 3-сентябрдаги “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонуни Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг қариганда, меҳнат қобилиятини тўлиқ ёки қисман йўқотганда, боқувчисиз қолганда ижтимоий таъминланишдан иборат конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, давлат пенсияларининг ягона тизимини, уларни тайинлаш, ҳисоблаб чиқариш, қайта ҳисоблаш ва тўлаш тартибини белгилайди. Республика ҳудудидан ташқарида яшаб турган Ўзбекистон Республикасининг фуқароларини пенсия билан таъминлаш давлатлараро битимлар (шартномалар) асосида амалга оширилади. Иш стажига ега бўлмаган фуқаролар ва уларнинг оилалари ушбу Қонунга биноан давлат пенсиялари олиш ҳуқуқига ега емаслар. Уларнинг ижтимоий таъминланиш тартибини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаб қўяди.

“Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонунга кўра давлат пенсияларининг қуйидаги турлари мавжуд:

¹⁵ Davtonov Sh.Z. Формирование пенсионной системы Республики Узбекистан и возможные угрозы дисбаланса доходов и расходов. “Pensiya tizimining moliyaviy barqarorligini ta’minlash va samaradorligini oshirish” mavzusida O’zbekiston milliy universitetining 100 yilligiga bag’ishlangan respublika ilmiy-amaliy konferentsiyasi materiallari to’plami. 2017-yil 15-noyabr. – Toshkent: “Universitet”, 2017. 19-b.

¹⁶ Mamatov B.S. Pensiya jamg’armasi faoliyati. – T.: “Barkamol fayz media”, 2017. 13-b.

“Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонунга кўра давлат пенсияларининг қуйидаги турлари мавжуд:



1.3-расм. Давлат пенсияларининг турлари¹⁷

4. *Тўртинчи босқич* (1994-2004-йиллар) – Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонуни қабул қилиниб, 1994-йилдан амалда жорий этилиши билан бошланди. Ушбу қонунга кўра, пенсиялар миқдори меҳнат стажи ва ўртача иш ҳақиға янада узвий боғланди. Пенсия миқдори: пенсиянинг таянч миқдори; меҳнат стажи учун пенсиянинг оширилган қисми; пенсияға қўшиладиган устама ҳақлардан ташкил топади. Пенсияларнинг 3 тури мавжуд: *ёшға доир пенсия* (агар пенсия олиш ҳуқуқи пайдо бўлган кундан бошлаб уч ой ичида уни сўраб мурожаат етилган бўлса, пенсия ёшиға тўлган кундан еътиборан тайинланади. Ушбу пенсия умрбод тайинланади); *ногиронлик пенсияси* (агар ногиронлик белгиланган кундан бошлаб уч ой ичида пенсия сўраб мурожаат етилган бўлса, тиббий меҳнат эксперт комиссияси (ТМЕК) ногиронликни белгиланган кундан еътиборан тайинланади. Ушбу пенсия бутун ногиронлик даври учун тайинланади. 60 ёшдан ошган еркак ва 55 ёшдан ошган аёл ногиронларға – ногиронлик пенсиялари умрбод тайинланади. Ана шу ногиронларни қайта тиббий кўрикдан ўтказиш фақат уларнинг аризасиға биноан амалға оширилади); *боқувчисини йўқотганлик пенсияси* (пенсия олиш ҳуқуқи пайдо бўлган кундан бошлаб, лекин пенсия тайинланиши учун мурожаат етишдан олдинги 6 ойдан ошмаган муддатдан еътиборан

¹⁷ О'zbekiston Respublikasining 1993-yil 3-sentyabrdagi “Fuqarolarning davlat pensiya ta'minoti to'g'risida”gi Qonuni, 2-modda.

тайинланади. Вафот етган боқувчининг қарамоғида бўлган меҳнатга қобилияти оила аъзолари боқувчисини йўқотганлик пенсияси олиш ҳуқуқига ега бўлади). Ёшга доир пенсия, ўз навбатида, 2 хил бўлади: умумий асосларда тайинландиган ва имтиёзли асосларда тайинландиган пенсия. Умумий асосларда тайинландиган ёшга доир пенсия – еркаклар 60 ёшга тўлганда ва қаида 25 йил меҳнат стажига ега бўлганда, аёллар 55 ёшга тўлганда ва қаида 20 йиллик меҳнат стажига ега бўлганда тайинланади. Болаларни тарбиялаш учун шарт-шароит яратиш ҳамда аёлларнинг ўз меҳнатидан манфаатдорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида”ги (1999-йил 14-апрел) қонунига асосан, қаида 20 йиллик меҳнат стажига ега бўлган аёллар 54 ёшда пенсияга чиқиб, тўлиқ пенсия олишлари мумкин. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994-йил 12-майдаги 250-сонли “Имтиёзли шароитларда пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг 1-, 2- ва 3-рўйхатларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига кўра фуқароларнинг айрим тоифалари имтиёзли асосларда тайинландиган ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига ега бўладилар. Масалан, айрим тоифа фуқаролар ёшидан қатъий назар, ёшга доир пенсияга чиқиш ёши 10 йилга, бошқалари учун пенсия ёши, талаб етиладиган меҳнат стажи 5 йилга қисқартирилган, баъзи гуруҳ шахсларга янада имтиёзлироқ шартлар белгиланган.

Пенсия таъминоти тизимидаги бошқарув тузилмасини такомиллаштириш давлат ижтимоий суғуртаси бўйича мажбурий бадаллар тўлиқ йиғилишини кўпайтириш, амалдаги бошқарув тузилмаларини қисқартириш ҳамда пенсиялар ва нафақалар тўлашга йўналтириладиган маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000-йил 15-ноябрдаги 444-сон қарорига мувофиқ, 2001-йил 1-январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги ҳузуридаги Пенсия жамғармаси Ўзбекистон Республикасининг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига

айлантирилган. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига пенсиялар, шунингдек, ижтимоий таъминот бўлимлари томонидан тўланадиган нафақаларни ўз вақтида ҳисоблаш ва тўлаш функциялари юклатилган.

5. *Бешинчи босқич* (2005-2016-йиллар) – фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти амал қила бошлади. 2004-йил 2 декабрда Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонуни қабул қилиниши муҳим аҳамиятга эга бўлди¹⁸. Жамғариб бориладиган ихтиёрий пенсия бадаллари, мажбурий пенсия бадаллари, пенсия бадалларини киритувчи (бадал киритувчи), жамғариб бориладиган пенсия таъминоти ҳамда шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағи каби тушунчалар қўлланила бошланди. 2005-йил 1-январдан ишлаётган фуқаролар тўлайдиган даромад солиғининг 1% миқдоридаги ажратмалардан иборат фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия бадаллари Ўзбекистон Республикаси Халқ банки муассасаларида егаси ёзилган шахсий пенсия ҳисобварақларига ўтказилиши тартиби белгиланди. Фуқаролар ўзларининг бу пенсия жамғармасидан давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи юзага келган муддатда фойдалана бошлайдилар.

Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг 2004-йил 21-октябрдаги 490-сон қарорига асосан, 2005-йил 1-январдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига айлантирилган.


Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009-йил 30-декабрдаги ПФ-4161-сон Фармониға мувофиқ, 2010-йилнинг 1-январидан бошлаб пенсиялар, шунингдек, ижтимоий нафақалар, компенсация ва бошқа тўловларни тайинлаш, молиялаштириш, уларнинг тўланишини ҳисобга олиш

¹⁸ Raxmatova N.A. Jamg'arib boriladigan pensiya ta'minoti mablag'larini samaradorligini oshirish yo'llari. "Pensiya tizimining moliyaviy barqarorligini ta'minlash va samaradorligini oshirish" mavzusida O'zbekiston milliy universitetining 100 yilligiga bag'ishlangan respublika ilmiy-amaliy konferentsiyasi materiallari to'plami. 2017-yil 15-noyabr. – Toshkent: "Universitet", 2017. 185-b.

ва мониторингини юритиш Пенсия жамғармасининг тегишли ҳудудий бўлинмалари томонидан амалга оширилиши белгиланган.

6. *Олтинчи босқич* (2017-йилдан ҳозирги даврга қадар) – 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси қабул қилинди. Ижтимоий соҳани ривожлантириш йўналишида аҳолини ижтимоий ҳимоясини кучайтириш чора-тадбирлари белгиланди. Ички ишлар органлари ходимларига пенсия ва нафақалар тайинлаш ва тўлашга оид йўриқнома қабул қилинди. “Давлат пенсия таъминоти тизимини ислоҳ этиш концепцияси” лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистонда пенсия таъминоти тизимининг шаклланиш ва ривожланиш босқичларини қуйидаги расм орқали ифодалаймиз:



1.4-расм. Ўзбекистонда пенсия тизимининг шаклланиши ва ривожланиши босқичлари¹⁹

Таъкидлаш жоизки, дастлаб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996-йил 27-декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси ижтимоий таъминот вазирлиги ҳузурида Пенсия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги 459-сонли қарорига мувофиқ асос солинган. Ҳар бир янги ташкил етилган марказлашган жамғарма олдига муайян мақсад қўйилгани боис, ушбу жамғарма олдига ҳам зарур мақсад қўйилди. Жумладан, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг бош мақсади – давлат томонидан кафолатланган пенсия таъминоти тизимида бошқарув тузилмасини такомиллаштириш, даромадларга мўлжалланган мажбурий бадал, йиғим ва ажратмаларни тўлиқ йиғилишини таъминлаш, шунингдек, аҳолини кучли ижтимоий ҳимоя қилиш учун молиялаштириш чора-тадбирларини ўз вақтида ва тўлиқлигича таъминлашга еришиш ҳисобланади²⁰.

Ҳозирги кунда пенсия амалиётида “Пенсия” дастурий мажмуи самарали электрон ҳамкорликни таъминламоқда. Ўзбекистон Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасида пенсия ва нафақаларни ҳисобга олиш, тайинлаш ҳамда тўлашни ташкил этиш, замонавий инновация дастурий маҳсулотларидан фойдаланиш орқали жамғарманинг барча таркибий бўлинмалари ўртасида самарали электрон ҳамкорликни йўлга қўйишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилган. “Пенсия” дастурий мажмуи еса ана шулардан биридир. У ишончли ҳимоя қилинган ва марказлаштирилган ягона маълумотлар

¹⁹ Magistrant tomonidan shakllantirildi.

²⁰ Mamatov B.S. Pensiya jamg'armasi faoliyati. – T.: “Barkamol fayz media”, 2017. 14-b.

базасини шакллантириш, фойдаланувчиларни ишончли, тўлиқ ҳамда долзарб ахборот билан ўз вақтида таъминлаш имконини берадиган автоматлаштирилган ахборот тизимидир.

Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси томонидан давлат пенсия тизимини ислоҳ қилиш концепцияси ишлаб чиқилди. Бу тизим меҳнатга лаёқатсиз ва кам таъминланган фуқароларнинг турмушини таъминлашга йўналтирилган иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий ва ташкилий характерга ега бўлган катор чора-тадбирлар комплексини назарда тутди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017-йил 27-июндаги “Фуқароларни пенсия билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари доирасида айрим қарорларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 429-сонли қарор асосида 1) Молия вазирлиги қошидаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси тўғрисидаги Низомга; 2) Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низомга; 3) Молия вазирлиги қошидаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига Ўзбекистон Республикасининг хорижда ишловчи ҳамда иш вақти ҳисобга олинмайдиган шахсларнинг алоҳида туркумлари томонидан суғурта тўловларини тўлаш тартибига тўғрисидаги Низомга тегишли ўзгартиришлар киритилди. Унга кўра пенсия олиш ҳуқуқини берувчи иш стажини ҳисоблаш шартли равишда икки тоифага бўлинади:

Биринчи тоифа: фаолият тури, егалик шаклидан қатъий назар, ишчи давлат ижтимоий суғуртасига ега бўлган иш, суғурта пуллари Молия вазирлиги қошидаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тўланганда; ҳарбий хизмат ва партизан отрядлари ҳамда бирлашмаларида бўлиш, давлат хавфсизлиги идоралари ва мудофаа бўлимларидаги хизмат; ҳарбийлаштирилган қўриқлаш, махсус алоқа идоралари ва тоғ-қутқарув қисмларидаги хизмат; индивидуал меҳнат фаолияти ёки йирик шохли қорамолни етиштириш ва шахсий ҳамда деҳқон хўжаликларида ишлаб чиқарилган чорва маҳсулотларини реализация қилиш билан боғлиқ фаолият,

суғурта пуллари Молия вазирлиги қошидаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тўланган ҳолатда.

Иккинчи тоифа: И гуруҳ ногирон ёки 16 ёшгача бўлган ногирон болани, 80 ёшга етган ва доимий парваришга муҳтож кекса инсонни, кекса инсон парваришга муҳтож бўлган даврда парвариш қилиш вақти; олий ўқув юртларида (жумладан, ҳарбий билим юртларида, агарда улардаги таълим ҳарбий хизматга тенглаштирилган бўлса), аспирантурада (амалиётчи-тадқиқотчи-изланувчи институтида), докторантурада (катта илмий ходим-изланувчи институтида) ва клиник ординатурада, шунингдек, хорижда таълим олиш; 3 ёшгача бўлган бола парвариши учун таътилда бўлиш, бироқ умумий 3 йилдан ортиқ эмас; зобитлар, прапоршчиклар, мичманлар ва ҳарбий хизматчилар рафиқалари меҳнат билан таъминланиш имконияти мавжуд бўлмаган ҳудудларда бўлган давр, бироқ 10 йилдан кўп эмас; дипломатик идоралар ва консуллик идоралари ходимлари, Ташқи ишлар вазирлиги томонидан халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар квотали лавозимларига юборилган ишчилар турмуш ўртоқлари чет елда бўлган давр, бироқ 10 йилдан кўп эмас.

Ендиликда бир тоифанинг турли даврлари стажи ҳисобланаётган фуқарога тўғри келса, унинг хоҳиши билан 2 тоифадан бири танланиши мумкин. Агарда икки турли тоифа даврлари тўғри келган тақдирда, иш стажи 1-тоифа бўйича ҳисобланади. Шу тариқа, бу ерда имтиёз фуқароларнинг аслидаги жисмоний меҳнатига берилади.

Пенсия қонунчилигида амалда бўлган давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш билан боғлиқ амалиёт Вазирлар Маҳкамасининг 2011-йил 8-сентябрдаги “Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартибини янада такомиллаштиришга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 252-сонли Қарори билан тасдиқланган “Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом” асосида ташкил етилади. Ушбу низомга кўра, шунингдек, бошқа қонун ҳужжатларида ҳам белгиланганидек, пенсияларни тайинлаш ва тўлаш Ўзбекистон

Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлими томонидан амалга оширилади.

1.3. Жаҳон мамлакатларида амалда бўлган пенсия таъминоти тизимларининг турлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари

Маълумки, бутун дунёда пенсия тизими демографик омиллар билан боғлиқ. Тараққий етган мамлакатларнинг аксариятида ҳозирги кунда демографик ҳолат қуйидаги хусусиятлар билан тавсифланади: меҳнатга лаёқатли аҳоли сони ўсиши бир мунча сустлашмоқда ёки қисқармоқда, шу билан бирга 60 ёшдан, ҳаттоки 80 ёшдан ошган аҳоли сони ўсиб бориш тенденциясига ега бўлмоқда²¹. Бундай ҳолат жамиятда меҳнатга лаёқатсизлар сонининг, яъни пенсионерлар сонининг ортишига олиб келмоқда. Асосий муаммо шундаки, “аҳолининг қариши” муаммосига дуч келаётган Ғарб мамлакатлари ўзининг кекса фуқароларига пенсия тўлаш ва зарур бўлган тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатишда молиявий қийинчиликларга дуч келиши мумкин. Жумладан, Япония ва Ғарбий Европа мамлакатлари ҳозирда стагнация (иқтисодий турғунлик ҳолига тушиб қолиши) ҳолатидадир. Ушбу мамлакатларда ишловчилар, яъни меҳнатга лаёқатли аҳоли сонининг қисқариши кузатилмоқда. Яқин истиқболда ушбу жараён янада фаоллашиши ва кейинчалик ҳозирги ёш авлод ўзининг кексалигини муносиб таъминлаш имконига ега бўлмаслиги ҳам мумкин. 2050-йилларга бориб, кексаларни пенсия билан таъминлашдаги муаммолар ўткирлашиб, глобал молиявий инқирозга олиб келиши ҳам мумкин. Тараққий етган мамлакатлар аҳолисининг яшаш давомийлиги ортмоқда ва бунга пропорционал равишда уларни пенсия билан таъминлаш даври ҳам узайиб бормоқда. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти²²нинг (ИХТТ) огоҳлантиришича, агар

²¹ Романченко В.С. Сравнительный анализ международного опыта развития пенсионной системы. Вестник МИЕП. 2015. № 3 (20). С. 58-73.

²² Erkin bozor iqtisodiyoti va demokratik printsiplarga asoslangan rivojlangan mamlakatlarning xalqaro iqtisodiy tashkiloti bo'lib, 1948 yilda tashkil etilgan. Shtab-kvartirasi Parijda joylashgan.

ривожланган мамлакатлар аҳолисининг кекса қатлами 70 ёшгача ишлашни ва иш берувчилар уларни иш билан таъминлаб туришни хоҳламасалар, унда бундай ҳолат ушбу мамлакатларнинг иқтисодий ўсишига жуда катта салбий таъсир кўрсатади²³.

Ушбу омилларнинг барчаси иқтисодиётда “пенсия юки”нинг ошиб боришига олиб келади ва Ҳукумат олдига тақсимловчи пенсия тизими улушини қисқартириш ҳамда жамғариб бориладиган пенсия тизимининг улушини ошириш масаласини қўймоқда, бунинг учун зарур шарт-шароитлар яратилиши зарур. Бироқ, ривожланган мамлакатлар тажрибаси кўрсатишича, пенсия тизимини ислоҳ қилиш ижтимоий норозиликларни келтириб чиқаради, чунки бу ислохотлар пенсия ёшини ошириш ёки пенсия бўйича имтиёзларни бекор қилиш ёхуд пенсия фондларига тўланадиган бадаллар миқдорини ошириш билан боғлиқ бўлади.

Аксарият мамлакатларда пенсияни ислоҳ қилишнинг зарурлиги, биринчи навбатда, демографик ва қисман иқтисодий омиллар билан хусусиятланади: аҳолининг қариш жараёни; давлат бюджети зиммасидаги пенсия юкининг ошиб бориши ва ҳ.к.

Юқоридагиларни инобатга олиб, аксарият мамлакатлар ХХИ аср бошларида тақсимловчи пенсия тизимини ислоҳ қилишнинг зарурлигини англаб йетдилар. Бунинг асосий сабабларини демографик, иқтисодий, ижтимоий ва ахлоқий-психологик омиллар ташкил қилади. Енг асосий муаммо – бу аҳолининг қариш жараёни, яъни туғилишнинг камайиши ва фуқароларнинг ўртача умр давомийлигининг ошиб бориши натижасидир. ИХТТининг прогнозларига кўра, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига аъзо мамлакатларда (35 та мамлакат) фуқароларнинг ўртача умр давомийлиги 1950-йилда 63,8 йилни, 2000-йилда 77 йилни ва 2050-йилга бориб, 83,4 йилни ташкил этади²⁴.

²³ Старение и политика занятости / Секретариат ОЕСР. www.forum-tvs.ru/index.php?showtopic=14395.

²⁴ Романченко В.С. Сравнительный анализ международного опыта развития пенсионной системы. Вестник МИЕП. 2015. № 3 (20). С. 58-73.

Фуқаролар яшаш давомийлигининг ортиб бориши ва туғулишнинг камайиши натижасида ИХТТга аъзо мамлакатларда 65 ёшдан ошган аҳоли сони 2000-йилда 13 фоизга ошган, бу кўрсаткич 2050-йилга бориб 25 фоизни ташкил қилади. Тақсимловчи пенсия тизимининг самараси шунда намоён бўладики, бунда 1 нафар пенсионерга 3-4 нафар иш билан банд фуқаролар тўғри келиши керак. Тараққий етган мамлакатларнинг аксариятида ҳозирги кунда 65 ёшдан ошган ҳар бир пенсионерга 4-5 нафар меҳнатга лаёқатли ёшдагилар тўғри келади. Бироқ 2020-2025-йилларга бориб, Европа мамлакатларида ушбу нисбат 1:2,5, АҚШда – 1:3,5 бирликни ташкил қилади²⁵.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, йилдан-йилга пенсионерлар сони ортмоқда ва аксинча, ишлаётганлар улуши қисқариб бормоқда. Ушбу муаммо турли давлатларда турлича ҳал етилади. Айрим давлатлар пенсия ёшини ошириш (масалан, Германияда аёллар ва еркакларнинг пенсия чиқиш ёши 65 ни ташкил қилса, ҳозирда бу кўрсаткич 67 ни ташкил этади) билан ушбу муаммога ижобий ечим топса, айримлари ишчиларнинг иш ҳақи ҳисобидан пенсия фондига тўланадиган мажбурий ажратмалар миқдорини оширадилар. Якуний хулоса шундан иборатки, агар кексаликдги давр ижтимоий жиҳатдан муносиб таъминланмоқчи бўлса, ҳеч кимдан нажот кутмасдан, балки кексалик даврининг жавобгарлигини зиммага олиб, жамғариб бориш бир мунча самарали ҳисобланади.

ИХТТ экспертларининг тадқиқот натижаларига кўра, ХХИ асрнинг биринчи ўн йиллигида Япония ва Европа мамлакатларида пенсия харажатлари ЯИМнинг 14-20 фоизигачани ташкил қилади. Лотин Америкаси ва Осий мамлакатларининг аксариятида 2030-йилга бориб, 60 ёшдан ошган аҳоли сони жами аҳолининг 16 фоизини ташкил қилади.

Юқоридаги ҳолатлар дунёнинг турли мамлакатларида амал қилаётган пенсия моделлари бўйича пенсия тизимининг самарадорлиги ва молиявий

²⁵ Бровчак С.В. Пенсионное обеспечение. Российский и зарубежный опыт. – М., 2009. – С. 12.

ҳолати билан боғлиқ бўлган жиддий масалаларни ўртага қўйди. Ҳозирда амал қилаётган пенсия моделларини 3.1-жадвал асосида ифодалаймиз.

1.2-жадвал

Асосий пенсия моделларининг қиёсий таҳлили²⁶

Пенсия моделлари	Ислохотларни амалга ошириш шарт-шароитлари	Ислохотлар тавсифи	Ислохотлар моҳияти	Ислохотлар мақсади
Лотин Америкаси пенсия модели	Демографик ва иқтисодий шарт-шароитлар қулай. Ислохотлар бошида мамлакат аҳолисининг ярмини 15 ёшдан кичиклар ташкил қилган, ишлаётганлар сони еса пенсионерлар сонидан 10 марта кўп бўлган	Туб ислохотлар амалга оширилди	Жамғариб бориладиган давлат пенсия тизимига ўтишнинг мажбурийлиги ва тезкорлиги	Кўп даражали пенсия тизимига ўтиш ёки мажбурий жамғариб бориладиган схемалар асосида кўп даражали модел жорий қилиш
Иқтисодий ривожланган мамлакатлар пенсия модели	Пенсия тизимини ислох қилиш индустриал ривожланиш босқичида. Ислохотларни амалга ошириш даврида демографик омилларда жиддий ўзгаришлар кузатилган	Параметрли ёндашув	Авлодлар бирдамлиги пенсия тизими етакчи бўлган ҳолда пенсия схемаларини қисман жамғариладиган тизим асосида қайта ташкил қилиш	Икки босқичли пенсия тизимини яратиш: 1. Умумий солиқлар ҳисобидан молиялаштирилувчи мажбурий давлат тизими. Минимал даромадни таъминлайди Ишчининг иш ҳақиға боғлиқ бўлган жамғариб бориладиган пенсия тизими (танлаш ҳуқуқи асосида давлат пенсия схемаси ёки хусусий пенсия фондларида иштирок этиш)
Собиқ иттифоқ мамлакатлари пенсия модели	Пенсияга чиқиш ёшининг нисбатан кичиклиги, пенсия бўйича имтиёзларнинг кўплиги, етарли даражада иқтисодиётнинг ривожланмаганлиги	Тизимли ёндашув	Пенсия тизимининг тақсимловчи компонентларини такомиллаштириш орқали пенсия тадбирларини диверсификациялаш ва хусусий тизимни яратиш	Кўп даражали тизимни яратиш, унинг мақсади бирдамлик схемасининг афзалликларини жамғариб бориладиган схеманинг афзалликлари билан бирлаштириш ва у уч қисмдан иборат: 1. Базавий (бирдамлик принципи асосида); 2. Мажбурий

²⁶ Романченко В.С. Сравнительный анализ международного опыта развития пенсионной системы. Вестник МИЕП. 2015. № 3 (20). С. 58-73.

				жамғариб бориладиган; Хусусий ихтиёрий суғурта тизими
--	--	--	--	--

Иқтисодий назарияда ижтимоий ҳимоя, ижтимоий таъминот ёки пенсия таъминоти тўғрисида фикр юритилганда Бисмарк ва Беверидж моделлари алоҳида тилга олинади. Таъкидлаш жоизки, 1889-йилда Германияда биринчи пенсия тизимининг муаллифи Отто Бисмарк ҳисобланади ва ушбу тизим бутун дунёда расмий равишда ижтимоий суғурта тизими деб тан олинди ҳамда дунёнинг бир қанча малакатлари ўз пенсия тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий қилишда ушбу пенсия тизимидан намуна сифатида фойдаланишди²⁷. Ушбу тизим 2 та жаҳон уруши, бир қанча пул ислохотлари ва гиперинфляцияларни бошидан кечирган дунёдаги енг кучли ижтимоий таъминот тизимларидан бири еди. Мазкур тизим тақсимловчи пенсия тизимини назарда тутиб, авлодлар бирдамлиги принципига асосланди ва мазкур принципга кўра ҳозирда ишлаётган ёш авлод ҳозирги пенсионерларнинг пенсиясини тўлайди.

Беверидж²⁸ модели еса ижтимоий соҳада давлатнинг ролини кучайтириш зарурлигини асослаб беради. Оилалар учун ижтимоий нафақалар (ёрдам), миллий соғлиқни сақлаш тизими давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилиши зарур, аммо ижтимоий ҳимоянинг бошқа тадбирлари иш берувчилар ва ишчилар ҳамда давлат субсидиялари ҳисобидан ажратмалар асосида амалга оширилиши керак.

Беверидж моделининг ўзига хос хусусиятлари: давлат – барча аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кафолатлаши; иш берувчи – ёлланма ишчиларнинг ижтимоий суғуртасини амалга ошириш; ишчи – қўшимча шахсий суғурталашни амалга ошириш. 1944-йилда Буюк Британия Ҳукумати У.Беверидж тавсиялар асосида ижтимоий суғурта тизимини ислоҳ қилишга


²⁷ F.Robert, Sh.Beatrice. Pensions and fertility back to the roots: The introduction of Bismarck's pension scheme and the European fertility decline. European Central Bank. Working paper series. 2014. N 1734. 6 p.

²⁸ Уильям Генри Беверидж (1879-1963 йиллар) – Англиялик иқтисодчи ва сиёсат arbobi, Оксфорд Университи коллежининг rahbari, 1942-йилда Buyuk Britaniyada ijtimoiy sug'urta tizimining asoslarini yaratgan.

киришди. 1952-йилга келиб, янги ижтимоий таъминот тизимининг мазмунига аниқлик киритувчи асосий қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилди ва қабул қилинди²⁹. Давлат соғлиқни сақлаш хизмати тўғрисидаги, ишлаб чиқаришдаги бахциз ходисалар билан боғлиқ суғурта дастурлари, пенсия суғуртаси каби қонунлар шулар жумласидандир.

XX асрнинг сўнгги йилларида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ҳар қандай цивилизациялашган мамлакат ижтимоий сиёсатининг асосий хусусиятлардан бири бўлди. Ижтимоий ҳимоя тизимининг асосий вазифаси фуқаролар даромадлари барқарорлигини қўллаб-қувватлаш, тиббиёт хизматларидан фойдаланишда бошқа барча фуқаролари билан тенг имкониятларни таъминлаш ва зарур ижтимоий хизматларни кўрсатиш ҳисобланади. Иқтисодий жиҳатдан тараққий етган мамлакатларда ижтимоий ҳимоя миллий иқтисодиётнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади ва бу соҳага қилинган харажатлар мамлакат ЯИМнинг салмоқли улушини ташкил қилади. Йеуропа Иттифоқи мамлакатлари ижтимоий ҳимоянинг бир мунча ривожланган тизимига ега. Айнан ушбу мамлакатларда биринчи бўлиб ижтимоий дастурлар шакллантирилган ва ривожлантирилган ҳамда ижтимоий ҳимоянинг ана шундай тизими сабаб замонавий Йеуропа иқтисодиёти ижтимоий йўналтирилганлик номини олган. Ғарбий Йеуропа мамлакатлари тажрибалари кўрсатишича, барча фуқароларни қамраб олган ижтимоий ҳимоя тизимининг амал қилиши, нафақат, уларнинг турмуш фаровонлигини яхшилашга, балки мамлакат меҳнат ресурсларининг кенгайиши ва мустаҳкамланишига ҳамда мамлакатдаги сиёсий ва ижтимоий жараёнларни барқарорлаштиришга ва иқтисодий ўсиш имконини беради.

Аксарият мамлакатларда ижтимоий ҳимоя тизими ўз ичига қуйидаги асосий элементларни қамраб олади:



1.5-расм. Ижтимоий ҳимоя тизимининг асосий элементлари³⁰

XX асрнинг сўнгги йилларида дунёнинг барча мамлакатларида пенсия ислохотлари фаол тарзда амалга оширила бошланди. Ушбу жараённинг асосий тенденцияси бўлиб жамғариб бориладиган пенсия таъминотига ўтиш ҳисобланади. Пенсия ислохотларининг мазмуни, мақсади ва амалга оширилиши у ёки бу мамлакатдаги тарихий, сиёсий ва молиявий шарт-шароитларга боғлиқ бўлади. XX асрнинг 80-йилларидан бошлаб, туғилишнинг камайиши ва фуқаролар яшаш давомийлигининг узайиши натижасида аҳолининг кексايиши билан боғлиқ равишда тақсимловчи пенсия тизими³¹да муаммолар кузатила бошланди. Бу муаммолар пенсия тизимида туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш заруратини юзага чиқарди. Унинг ечими сифатида 1994-йилда Жаҳон банки ва Халқаро валюта фонди томонидан жамғариладиган пенсия тизими модели ишлаб чиқилди³². XIX аср охирида Боливия, Чили, Салвадор, Мексика ва Қозоғистон жамғариладиган пенсия тизимига ўтди. Айрим давлатларда жамғариладиган пенсия тизими 1980-1990-йилларда амал қила бошлади (1.3-жавдал).

1.3-жадвал

Жамғариладиган пенсия тизимининг шаклланиш эволюцияси³³

Пенсия дастури	Давр	Мамлакат	Изоҳ
Жамғар илади н пенсия тизими	1951	Малайзия	Барча ишчи қатламини қамраб олувчи жамғарма кассаси жорий қилинган
	1980	Чили	

³⁰ Антропов В.В. Экономические модели социальной защиты населения в государствах ЕС. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук. – М.: Мировая экономика и международные отношения. 2007. – С. 11.

³¹ Avlodlar birdamligiga asoslangan pensiya tizimi bo'lib, hozirgi pensionerlarning pensiyasini hozirda ishlayotgan fuqarolar tomonidan to'lanishini anglatadi.

³² Majidov N. Niyazov M. Pensiya tizimini tartibga solishning xorij tajribasi. "Biznes-ekspert" jurnali, 2016. 11-son. 40-b.

³³ www.pensionfundsonline.co.uk.

	1985	Швецария	Мажбурий жамғарилувчи пенсия тизими жорий қилинган
	1986	Буюк Британия	
	1990	Дания	
	1993	Колумбия	
	1994	Аргентина	
	1997	Мексика	
	1998	Венгрия	
	1999	Полша	

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, жамғариб бориладиган пенсия тизимининг ижобий жиҳатлари билан бирга салбий хусусиятлари ҳам мавжуд. Жумладан, пенсия ислохотларини амалга ошираётган мамлакатлар жамғариб бориладиган пенсия тизимини жорий қилиш ва фаолият кўрсатишини таъминлаш ҳамда ушбу тизимни аҳолининг кенг қатламлари томонидан қабул қилиниши билан боғлиқ муаммоларга дучор бўлишлари мумкин. Боз устига, пенсия ислохотларини ендигина бошлаётган мамлакатлар учун, яъни жамғариб бориладиган пенсиянинг янги тизимида, жамғариб бориладиган пенсия тизимининг тақсимловчи пенсия тизими билан ўзаро муносабатларида бу муаммолар янада ўткир тус олиши мумкин³⁴. Шундай бўлса-да, жамғариб бориладиган пенсия тизимининг келажаги нисбатан порлоқдир.

Умуман олганда, тараққий етган мамлакатларда хусусий пенсия фондлари фаолияти тараққий етиб, пенсия фонди активлари ҳам ўсиб бормоқда. Масалан, Буюк Британияда хусусий пенсия фонди активлари ЯИМнинг ўртача 77,7 фоизини, Швецияда 8,8 фоизини, Германияда 4,8 фоизини ташкил қилади (1.4-жадвал).

1.4-жадвал

Хусусий пенсия фондлари активларининг ялпи ички маҳсулотга нисбати, фоиз ҳисобида³⁵

Мамлакатлар	2001 йил	2005 йил	2006 йил	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил
Буюк Британия	70,8	76,8	81,6	77,4	64,4	80,2	87,9	95,3	65,7

³⁴ Федотов А.И. История возникновения пенсионных систем в зарубежных странах. Труды ИСА РАН 2006. Т. 23. http://pnu.edu.ru/media/ejournal/articles-2015/TGU_6_174.pdf.

³⁵ The Organisation for Economic Co-operation and Development [Elektronniy resurs] : <http://stats.oecd.org/Index.aspx?QueryId=9611>.

Швеция	8,0	9,0	9,1	8,5	7,3	8,2	9,5	9,2	10,5
Германия	3,5	4,1	4,2	4,6	4,8	5,3	5,4	5,7	6,3

Албатта, бундай ҳолат ушбу мамлакатларда хусусий пенсия фондлари фаолияти нақадар тараққий етганлигини билдиради. Хусусий пенсия фондлари активларининг ўсишида инвестициялаш муҳим ўрин егаллайди. Хусусий пенсия фондларининг пенсия активларини инвестициялашдан асосий мақсад пенсия маблағларини кўпайишини таъминлашдан иборат. Бир вақтнинг ўзида инвестициялаш натижасида олинган фойда, нафақат, мамлакатдаги инфляция даражасини қоплаши зарур, балки пенсия маблағларини бошқариш билан боғлиқ харажатларни ҳам қоплаши керак.

Йеуропа марказий банки маълумотларига кўра, еврозона мамлакатларида пенсия фондларининг жами активлари 2016-йилнинг 1-чораги охирида 2290,7 млрд. еврони ташкил қилган³⁶. Таҳлил натижалари асосида Йеуропа Иттифоқи мамлакатларидаги пенсия тизимида пенсия тўловлари миқдори билан ҳаёт давомийлигининг турлича ижобий ўсиш динамикаси ўртасида муҳим фарқ ўрнатилган (1.5-жадвал).

1.5-жадвал

Йеуропа Иттифоқининг айрим мамлакатларида ўртача умр кўриш даражаси ва давлат пенсияси³⁷

Мамлакатлар	Умр давомийлиги, (йил)		2030-йилда 2015-йилга нисбатан ўзгариши, %	Давлат пенсиясининг ўртача миқдори (еврода, ҳар ойда)			
	2015-й.	2030-й.		2010-й.	2012-й.	2014-й.	Ўртачаси
Нидерландия	79,5	81,6	2,64	1537	1603	1659	1600
Люксембург	79,4	81,6	2,77	1495	1583	1662	1580
Австрия	78,7	81,0	2,92	1445	1517	1618	1527
Дания	78,5	80,8	2,93	1381	1479	1629	1496
Белгия	78,7	80,5	3,07	1402	1470	1534	1469
Хорватия	74,4	77,4	4,03	246	267	258	257
Естония	72,1	75,7	4,99	264	237	258	253
Литва	69,3	73,6	6,20	231	226	229	222
Руминия	71,7	75,5	5,30	187	192	209	196

³⁶ European Central Bank. Statistical Data Warehouse. URL: <http://sdw.ecb.europa.eu/reports.do?node=1000003541> (data obrashcheniya: 20.05.2017).

³⁷ Eurostat. Social protection database. URL: <http://ec.europa.eu/eurostat/web/social-protection/data/database> (data obrashcheniya: 20.05.2017).

Болгария	71,6	75,3	5,17	113	117	134	122
----------	------	------	------	-----	-----	-----	-----

Изоҳ: жадвалда ЕИ мамлакатларда давлат пенсиясининг ўртача миқдори энг юқори бўлган 5 та мамлакат ва энг қуйи бўлган 5 та мамлакат келтирилган.

Жадвал маълумотларидан кўринадик, 2014-йилда энг юқори пенсия миқдори (Нидерландия) билан энг қуйи пенсия миқдори (Болгария) ўртасидаги фарқ 1,5 минг еврои ташкил қилади ва энг юқори пенсия миқдори энг қуйи пенсия миқдоридан 12,4 мартага кўпдир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, таъкидлаш жоизки, дунёда пенсия тизимини ислоҳ қилишнинг учта модели мавжуд:

– биринчидан, мажбурий пенсия суғуртаси тизими доирасида тақсимловчи пенсия тизимининг такомиллашуви ва жамғариб бориладиган пенсия тизимининг ихтиёрий ва қўшимча (тўлдирувчи) характерга ега эканлигини назарда тутувчи пенсия модели;

– пенсия тизимининг қайта тақсимлаш принципининг афзалликлари ҳамда узок муддатли мажбурий жамғариб бориладиган пенсиянинг принциплари билан бирлаштирувчи аралаш пенсия модели (Швеция ва Шарқий Европа мамлакатлари);

– тақсимловчи пенсия тизимининг ўрнини тўлиқ қопловчи ва пенсияни молиялаштиришнинг жамғариб бориладиган принципига асосланган пенсия модели (Лотин Америкаси мамлакатлари ва биринчи навбатда Чили давлати).

И боб бўйича хулосалар:

– қариликда, ногиронликда ёки боқувчисини йўқотганда моддий таъминлаш учун мунтазам тўланиши мўлжалланган пуллик тўловларга пенсия дейилади. Мамлакат фуқароларини маълум ёшга етганда, ногиронликда, боқувчисини йўқотганда моддий жихатдан таъминлаш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқий, молиявий, ташкилий муносабатлар, шунингдек, махсус ихтисослашган ташкилий тузилмалар йиғиндисига пенсия тизими дейилади;

– ХХИ аср бошларида жаҳон мамлакатларида авлодлар бирдамлиги ва жамғариш тизимларига асосланган пенсия тизимлари амал қилмоқда.

Бирдамлик пенсия тизими авлодлар, иш берувчилар ва ишловчилар, юқори ва паст иш ҳақи олувчи ходимлар бирдамлигига асосланган ва у бирдамлик тамойили асосида молиялаштириладн. Бирдамлик пенсия тизими давлатга тегишли бўлиб, уни корхона ёки бир тармоқ миқёсида ташкил етиш мумкин емас. Бирдамлик тизимининг муҳим жиҳати унинг қайта тақсимлаш тамойилига асосланганлиги учун пенсионерлар ўртасида қашшоқликни жиддий камайтиради;

– пенсия таъминоти тизими ҳуқуқий асосларининг такомиллаштирилиши ва “Давлат пенсия таъминоти тизимини ислоҳ етиш концепцияси”нинг яратилиши, пировардида, пенсионерларни муносиб турмуш тарзи билан таъминлаш, уларнинг ҳаёт даражасини янада ошириш имконини беради;

– дунёда пенсия тизимини ислоҳ қилишнинг учта: мажбурий пенсия суғуртаси тизими; аралаш пенсия модели; тақсимловчи пенсия тизимининг ўрнини тўлиқ қопловчи ва пенсияни молиялаштиришнинг жамғариб бориладиган принципига асосланган пенсия моделлари мавжуд бўлиб, улар ҳар бир мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатидан келиб чиқиб амалга оширилмоқда.

ИИ БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ

2.1. Миллий пенсия таъминоти тизимининг жорий ҳолати ва унга оид тенденциялар таҳлили

Маълумки, бугунги кунда фуқароларнинг ижтимоий суғурталаш тизимидаги узлуксиз иштирокини рағбатлантиришнинг замонавий механизмларини жорий етиш, пенсионерларнинг моддий таъминланганлик даражасини ошириш, меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасига фискал юкнинг мўтадиллигини кўллаб-қувватлаш, шунингдек, барқарор пенсия тизимига еришиш мақсадида бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси томонидан

“Давлат пенсия таъминоти тизимини ислоҳ этиш Концепцияси” лойиҳаси ишлаб чиқилди³⁸.

Ушбу Концепция қуйидагиларни назарда тутди:

– ходимнинг пенсияси ва меҳнат стажидаги тафовут рағбатлантирилади – 35 йилдан ортиқ стаж бўлса, ўртача ойликдан 2 фоиз кўпроқ пенсия олинади;

– 54 ёшида пенсияга чиқиш ҳуқуқига ега бўлган, лекин умумий ўрнатилган ёшдан кейин пенсияни расмийлаштирган аёллар учун пенсияга устама тўлаш;

– қонун ҳужжатлари билан белгиланган енг кам иш ҳақининг 8 бараваридан 12 бараваригача миқдордаги пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун қабул қилинадиган ўртача ойлик иш ҳақи миқдорини ошириш;

– пенсия ёшига тўлган, бироқ зарур меҳнат стажига ега бўлмаган фуқароларга давлат пенсияларини ҳисоблашда стажнинг ҳар бир етишмаётган ойи учун Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари суммасини бир марталик тартибда тўлаш ҳуқуқини бериш;

– ишлаётган ер (хотин)га ўз хотини (ери) учун ихтиёрий равишда Пенсия жамғармасига суғурта бадалини ўтказиш ҳуқуқини бериш;

– ёшга доир пенсия тайинлаш учун талаб этиладиган енг кам стажни ошириш, ҳозирда бу 7 йил;

– пенсия ёшини дунёдаги ўртача даражага ва бошқа ўлчовларга етказиш учун босқичма-босқич ошириш.

Албатта, бундай чора-тадбирларнинг белгиланиши ва амалга оширилиши Ўзбекистон Республикасидаги пенсия таъминоти тизимининг жорий ҳолатини таҳлил қилиш, пенсия тизимига таъсир етувчи омилларни тадқиқ этиш ва шу асосда тегишли хулосаларни шакллантириш зарурлигини кўрсатади. Таъсир етувчи омиллар еса қуйидагилардн иборат:

³⁸ Ushbu Kontseptsiya BMTTD (Birlashgan Millatlar Tashkilotining Taraqqiyot Dasturi), Jahon bankining pensiya ta'minoti sohasidagi loyihalari hamda Koreya Respublikasining davlat xizmatchilari Milliy Pensiya Servis va Koreya Respublikasining Milliy Pensiya Servisi tavsiyalariga asoslanadi.

1. *Иш билан банд аҳоли (суғурта бадали тўловчилар) сонининг пенсионерларга нисбати.* Халқаро меҳнат ташкилоти тавсиясига мувофиқ, пенсия таъминотининг нормал ҳолатини таъминлаш учун бир пенсионерга 3 та суғурта бадали тўловчи, яъни ишловчи тўғри келиши керак. Бу нисбатнинг бузилиши пенсионерларни узлуксиз равишда пенсия билан таъминлашда ишловчилар зиммасидаги пенсия юкининг оғирлашиб кетишига олиб келади. Аҳолининг қариб бориш тенденциялари яққол намоён бўлаётган мамлакатларда кексалар сонининг ортиб бориши шароитида уларни пенсия билан таъминлаш молиявий жиҳатдан қийинлашади. Ушбу мамлакатларда пенсия олувчилар билан ишчилар сони ҳамда суғурта бадалини реал тўлаётган фуқаролар сонининг номуносивблиги юзага келаётганлигини кузатиш мумкин.

2. *Пенсия тизимининг мажбуриятларига нисбатан манбалар бўйича тушумлар миқдорининг, фуқароларни пенсия тизимида қамраб олинганлик кўрсаткичларининг номуносивблиги.* Бу шуни англатадики, турли манбалардан шаклланадиган даромадлар билан пенсия тизими мажбуриятлари ҳажмлари бир-бирига муносивиб емас. Асосий муаммо шундаки, пенсия суғуртаси тизими иш билан банд барча аҳолини қамраб олиши зарур. Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг пенсия таъминоти муаммолидир (мавсумийлиги, ўзига хос хусусиятларга егалиги ва бошқ.). Шунингдек, аҳоли миграциясини ҳамда яширин ишсизликни ҳам ҳисобга олиш керак.

3. *Пенсия таъминотининг етарлилик даражаси.* Пенсиянинг ўртача миқдори, кўп ҳолларда, мамлакат иқтисодиётининг ривожланганлик даражаси ва айрим ҳолларда миллий пенсия тизимининг таркиби ва фаолият юритиши натижасидир. Ўзбекистонда пенсиянинг ўртача миқдори 2016-йилда 167 АҚШ долларини ташкил етган³⁹. Бу кўрсаткич Финляндияда 1982, Японияда 1000-1500, Германияда 1400, АҚШда 1200, Грецияда 573,

³⁹ Mazkur miqdor O'zbekiston Davlat statistika qo'mitasining rasmiy ma'lumoti hamda 2016-yil 5-iyul holatiga Markaziy bank tomonidan so'mning AQSh dollariga nisbatan belgilangan rasmiy kursi asosida hisoblangan.

Естонияда 255, Латвия ва Литвада 245-335, Қозоғистонда 250, Белоруссияда 175, Арманистонда 100, Болгарияда 140, Грузияда 60, Украинада еса 52 АҚШ долларини ташкил қилади⁴⁰. Пенсиянинг ўртача миқдори ўртача иш ҳақи ва меҳнат стажига (суғурта стажи) боғлиқ бўлади.

Мамлакатда пенсия таъминоти даражасини, унинг самарадорлигини ифодаловчи асосий кўрсаткичлардан бири қоплаш коэффициенти⁴¹ (wage replacement rate) ҳисобланади. Бу кўрсаткич ўртача пенсия миқдорининг (Дб) ўртача иш ҳақи (Да) нисбатини ($K = Дб / Да * 100$) ифодалайди. Халқаро меҳнат ташкилотининг тавсиясига кўра, бу кўрсаткич 40 фоиздан кам бўлмаслиги зарур. Йеуропа мамлакатларида бу кўрсаткич 60 фоиз атрофида тебранади. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига (ИХТТ) аъзо давлатларда бу кўрсаткич 54,5 фоизни ташкил қилади. Россияда 2016-йилда қоплаш коэффициенти 35,5 фоизни ташкил қилган. Ўзбекистонда бу кўрсаткич 41 фоизни ташкил қилади ва бундай кўрсаткичга ега давлатлар сони жуда оз⁴². Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, бу кўрсаткичнинг ҳолатига меҳнат стажининг давомийлиги, иш ҳақининг миқдори, Пенсия фондига ажратилган суғурта бадаллари миқдори, пенсияга чиқиш ёши каби омиллар таъсир қилади.

2014-йилда мажбурий ижтимоий суғурта бадаллари ставкалари ИХТТнинг 13 та мамлакатада иш берувчилар ва ишловчилар учун хусусий секторда ўртача ойлик иш ҳақининг 24 фоизи қилиб белгиланган. ИХТТнинг қолган 21 та аъзоси учун еса ўртача 18 фоизни ташки етган (2.1-жадвал).

2.1-жадвал

Хорижий мамлакатларда 2014-йилда ҳар бир ишловчи учун мажбурий пенсия бадаллари ставкалари⁴³

Мамлакатлар	Давлат		Хусусий		Жами
	Ишловчи	Иш берувчи	Ишловчи	Иш берувчи	

⁴⁰ <http://pensia-expert.ru/trudovye-pensii/pensiya-v-2015-godu/srednyaya-pensiya>.

⁴¹ Ushbu tushunchaning birinchi marta huquqiy jihatdan tartibga solinishi Xalqaro mehnat tashkilotining Konventsiyasi ("Ijtimoiy ta'minotning minimal me'yorlari to'g'risida"gi) asosida ta'minlangan (1952-yil).

⁴² <https://regnum.ru/news/1874106.html>.

⁴³ OECD (various years), Taxing Wages; OECD (2013), Revenue Statistics; Social Security Administration, United States (various years), Social Security Programs throughout the World; OECD pension and tax models.<http://dx.doi.org>.

Австалия		9,50			9,50
Белгия	7,50	8,86			16,40
Канада	4,95	4,95			9,90
Чили	0,00		11,20	1,15	12,30
Дания	0,54	0,82		12,00	13,40
Финляндия	7,05	17,75			24,80
Франсия	6,80	8,45	3,00	3,00	18,25
Германия	9,50	9,50			19,00
Исландия	0,00	7,79	4,00	8,00	11,79
Исроил	3,75	3,75	5,50	12,00	13,00
Италия	9,19	23,81			33,00
Япония	8,74	8,74			17,47
Корея	4,50	4,50			9,00
Люксембург	8,00	8,00			16,00
Мексика			1,13	5,15	6,28
Нидерландия	4,90	0,00	16,00		20,90
Янги Зеландия			3,00	3,00	6,00
Полша	9,76	9,76			19,52
Швеция	7,00	11,40		4,50	18,40
Швейцария	4,20	4,20	7,70	10,40	26,60
Туркия	9,00	11,00			20,00

Ўзбекистонда 2016-йилда давлат пенсия тўловлари ҳажмининг ЯИМдаги улуши 8,2 фоизни ташкил қилган. Грецияда бу кўрсаткич 11,2 фоизни, Германияда 10,2 фоизни, Белоруссияда 10 фоизни, АҚШда 7,2 фоизни, Туркияда 7,8 фоизни, Мексикада 2,4 фоизни, Италияда 14 фоизни, Белоруссияда 10 фоизни ташкил қилади.

Айрим давлатларда, масалан, Франция, Австрия ва Италияда бу кўрсаткич ЯИМнинг 12-14 фоизини ташкил қилади. Бир вақтнинг ўзида, МДХга аъзо бўлган айрим давлатларда пенсия тўловлари учун давлат харажатлари ЯИМнинг 6 фоизидан кам миқдорни ташкил қилади. Бироқ, бунда барча мамлакатлардаги ишлаб чиқарилган ЯИМ миқдорининг турлича эканлигини ҳам назарда тутиш керак. Ўз навбатида, ЯИМ миқдорининг катталиги пенсия тўловлари учун давлат бюджети харажатларининг ЯИМдаги улушига тўғридан-тўғри таъсир қилади, яъни ЯИМ миқдори қанча кўп бўлса, пенсия тўловлари учун давлат харажатларининг ЯИМдаги улуши шунчалик кичик бўлади ва аксинча.

4. *Пенсияни тайинлашда суғурта принципига амал қилиниши* (тўланган суғурта бадаллари миқдорининг пенсия миқдorigа боғлиқлиги, суғурта бадали ва ягона ижтимоий тўловлар ставкаси, пенсияларнинг белгиланган энг кам миқдорлари ва ҳ.к.).⁴⁴

5. *Имтиёзли шартларда пенсия олувчилар сонининг ва пенсияга устама ҳақлар миқдорининг ортиб бориши*. Ўзбекистон қонунчилигида бир қатор имтиёзли шартлардаги пенсиялар ва пенсияга устама ҳақлар тўлаш амал қилади⁴⁵. Бундай пенсионерлар сонининг ортиши келгусида пенсия тизимининг молиявий барқарорлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шу муносабат билан имтиёзли шартларда пенсия олиш ва пенсияга устама ҳақлар тартибини қайта кўриб чиқиш зарур.

6. *Меҳнат мигрантларини давлат пенсия суғуртаси билан қамраб олиш даражасининг сустиги*. Меҳнатга лаёқатли аҳоли бўйича меҳнат миграцияси даражасининг юқорилиги пенсия тизими молиявий барқарорлигига салбий таъсир кўрсатади, чунки уларнинг даромадлари рўйхатга олинмайди, улар томонидан давлат ижтимоий суғуртаси бўйича суғурта бадаллари ҳам тўланмайди. Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига кўра, 2017-йилнинг январь-сентябрь ойларида республика бўйича кўчиб келганлар сони 120,8 минг кишини, кўчиб кетганлар сони эса 136,1 минг кишини ташкил қилган. Ноқонуний меҳнат миграцияси муаммоси ҳам пенсия тизимига салбий таъсир кўрсатади.

7. *Пенсияга чиқиш ёши*. Пенсияга чиқиш ёши турли давлатларда турлича бўлиб (2-жадвал), бу ҳолат мамлакатнинг иқтисодий тараққиёти, ижтимоий сиёсати, демографик омиллар кабиларга боғлиқ бўлади.

⁴⁴ Vaxabov A.V. Pensiya tizimining moliyaviy barqarorligini ta'minlash muammolari. "Pensiya tizimining moliyaviy barqarorligini ta'minlash va samaradorligini oshirish" mavzusida O'zbekiston milliy universitetining 100 yilligiga bag'ishlangan respublika ilmiy-amaliy konferentsiyasi materiallari to'plami. 2017-yil 15-noyabr. – Toshkent: "Universitet", 2017. 4-5-b.

⁴⁵ O'zbekiston Respublikasining 1993-yil 3-sentyabrdagi "Fuqarolarning davlat pensiya ta'minoti to'g'risida"gi Qonuni, "Davlat pensiyalarini tayinlash va to'lash tartibi to'g'risida"gi Nizom (8.09.2011-y. 252-son), "Imtiyozli shartlarda pensiya olish huquqini beradigan ishlab chiqarishlar, muassasalar, ishlar, kasblar, lavozimlar va ko'rsatkichlar ro'yxatlarini qo'llash tartibi to'g'risi"dagi Yo'riqnoma (O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2012-yil 12-martda 2337-son bilan ro'yxatdan o'tkazilgan).

Пенсия ёшининг юқори бўлиши пенсия таъминотининг умумий ҳолатига таъсир етувчи муҳим омиллардан биридир. Бироқ, пенсия ёшининг оширилиши, энг аввало, аҳолининг умр кўриш давомийлигига боғлиқ. Умр давомийлиги бўйича 2014-йилги рейтинг АҚШ Марказий разведка бошқармаси (МРБ) томонидан тайёрланган бўлиб, у 223 мамлакатни қамраб олган. Рейтингда Монако пешқадам – бу митти мамлакат фуқаролари ўртача 89,57 йил умр кўради. Бошқа бир митти мамлакат – Макао иккинчи ўриндан (84,48 ёш) жой олган бўлса, учинчи ўрин Японияга (84,46 ёш) насиб етган. Рейтингнинг биринчи ўнлигидан Сингапур (84,38 ёш), Сан-Марино (83,18 ёш), Гонконг (82,78 ёш), Андорра (82,65), Швейцария (82,39 ёш), Гернси (82,39 ёш) ва Австралия (82,07 ёш) жой олган⁴⁶. Ўзбекистон ушбу рейтингда 125-ўринни егаллаган, яъни мамлакатимизда ўртача умр давомийлиги 73,3 йилни ташкил этади. Ушбу кўрсаткич бўйича Ўзбекистон МДХга аъзо ва унга яқин бир қатор мамлакатларни – Қозоғистон (150-ўрин), Россия (151-ўрин), Қирғизистон (153-ўрин), Украина (156-ўрин), Мўғулистон (158-ўрин) ва Тожикистон (166-ўрин)ни ортда қолдирган. Ўртача умр давомийлиги Озарбайжонда 71,9 йил, Беларусда 72,2 йил, Арманистонда 74,1 йил ва Грузияда 75,7 йилдан иборат. Узоқ умр кўриш учун етарли шароитларга ега бўлмаган мамлакатлар учлигидан еса фақат Африка вакиллари – Гвинея-Бисау, Жанубий Африка Республикаси ва Чад ўрин олган. Бу мамлакатларда аҳоли ўртача 40-50 йил умр кўради.

Умумжаҳон миқёсида аҳолининг “қариш” тенденцияси ўртача умр кўриш ёшининг ошиши ва аҳоли ўсиш суръатининг пасайиши билан изоҳланади. Ўз навбатида, аҳоли умр давомийлигининг ошиши пенсияга чиқиш ёшини ошириш тадбирларини талаб қилади. Тараққий етган мамлакатларда пенсияга чиқиш ҳуқуқи қонун билан мустаҳкамланган ва уларда пенсияга чиқиш ёши турличадир (2.2-жадвал)

2.2-жадвал

⁴⁶ Материалы центра экономических исследований БЕРОС (Белорусский экономический исследовательско-образовательный центр). Минск, Беларус. 2015 г. – Стр. 22. Пенсионная система Беларуси: текущее состояние и необходимость реформ. http://www.beroc.by/publications/policy_papers.


Тараққий етган мамлакатларда пенсия тизимида режалаштирилган ўзгаришлар⁴⁷

Мамлакатлар	Кутилаётган ўртача умр давомийлиги, йил		2010-йилда пенсияга чиқиш ёши, йил		Кутилаётган ўзгаришлар
	еркак	аёл	еркак	аёл	
АҚШ	75	80	65	65	Режалаштирилмаган
Япония	79	86	70	70	Режалаштирилмаган
Франсия	77	84	60	60	62 ёш (2018 йилда)
Германия	77	82	65	65	67 ёш (2029-йилда)

8. *Жамғариб бориладиган пенсия таъминотининг жозибадорлиги.* Бунда жамғариб бориладиган пенсия маблағларининг даромадлилигини таъминлаш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Халқ банкидаги ихтиёрий жамғариб бориладиган пенсия маблағлари улуши талаб даражасида емас. Жамғариб бориладиган пенсия таъминотининг жозибадорлигини ошириш учун нодавлат пенсия фондларини ташкил етиш зарур, чунки жамғариладиган пенсия маблағлари мазкур фондлар орқали инвестицияланиб, юқори даромад олиш имконини беради. Тараққий етган давлатларда Пенсия фондлари ва жамғариб бориладиган пенсия маблағлари инвестицияларни молиялаштиришнинг муҳим манбаи ҳисобланади.


Ўзбекистонда сўнгги йиллар давомида иқтисодий фаол аҳоли ҳиссасига ижтимоий бадаллар бўйича юклама тобора ошмоқда. Демографик башоратларга кўра, 2018-2025-йилларда пенсия ёшидаги аҳолининг улуши (1,2 млн. кишига) ошиши кутилмоқда, бу еса, ўз навбатида, Пенсия жамғармаси харажатларининг мутаносиб равишда ошишига олиб келади. 2016-йилдан бошлаб, Ўзбекистонда пенсия тайинлаш учун йиллик мурожаатлар сонини ортиб бориши (йиллик ўртача ўсиш – 16 минг нафар фуқаро) кузатилмоқда ва 2025-йилга бориб 300 минг нафарга ортиши кутилмоқда. Ёшга доир пенсия тайинлаш учун мурожаатларнинг асосий ўсиши, туғилиш даражаси юқори бўлган (50-60-йиллардаги “Беби-бум”) даврда туғилган фуқароларнинг умумий белгиланган пенсия ёшига етиши билан боғлиқдир.

⁴⁷ Гладишева Е. В Европе поднимают пенсионный возраст// Российская газета. 2010. 9 июля. – Стр 9.



2.1-расм. Пенсия тайинлаш учун мурожаат қилган фуқаролар сони⁴⁸, та

Мамлакат аҳолисининг қариб бориши кўрсаткичи шуни кўрсатадики, пенсия ёшидаги аҳоли сони ўсиш тенденциясига ега (2010-йилдаги аҳолининг умумий сонига нисбатан 5,9 фоиздан 2018-йилга келиб 7,4 фоизгача). Статистик ташкилотларнинг маълумотларига кўра, 2019-йилдан бошлаб пенсия ёшидаги аҳоли сони 9 фоиздан ортади ва 2025-йилга бориб 11 фоизга етади (2011-йилдаги 6,2 фоизга нисбатан).




2.2-расм. Жами аҳоли таркибида пенсия ёшидагилар улуши⁴⁹, минг киши

Ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, дунёда ўртача пенсия ёши

⁴⁸ www.pfru.uz. sayti ma'lumotlarni asosida magistrant tomonidan shakllantirilgan.

⁴⁹ www.pfru.uz. sayti ma'lumotlarni asosida magistrant tomonidan shakllantirilgan.

еркаклар ва аёллар учун 62 ёшни ташкил еца, Ўзбекистонда бу кўрсаткич 57,5 ёшни ташкил етади (аёллар учун 55 ёш, еркаклар учун 60 ёш). Марказий Осиё давлатларида, масалан, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистонда ёшга доир пенсияга чиқиш ҳуқуқи еркаклар учун 63 ёш, аёллар учун 58 ёш. Қозоғистонда аёлларнинг пенсия ёштини 63 ёшга етказиш, бунда ҳар йили пенсия ёшни 6 ойга босқичма-босқич ошириш йўли билан амалга ошириб борилади. Туркменистонда пенсия ёши еркаклар учун 62 ёшни, аёллар учун 57 ёшни ташкил етади.



2.3-расм. Баъзи бир мамлакатларда пенсияга чиқиш ёши⁵⁰

Ижтимоий бадаллар миқдори ва тўловлар ўртасида муносибликка риоя этиш, банд бўлган аҳолининг пенсия таъминотини суғурталанганлик характерини таъминловчи асосий принцип ҳисобланади ҳамда пенсия тизимини молиялаштиришда ўзининг молиявий иштирокини рағбатлантирувчи таъсир механизми саналади.

Фукараларнинг ижтимоий суғурта тизимида узлуксиз ва узоқ муддатли иштирокини рағбатлантириш механизми мураккаб ва шаффоф бўлмасдан қолмоқда, бунинг натижасида меҳнатга лаёқатли аҳолининг тахминан 10,2

⁵⁰ www.pfru.uz. sayti ma'lumotlarni asosida magistrant tomonidan shakllantirilgan.


млн. киши давлат ижтимоий суғуртаси билан қамраб олинмаган, яъни бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ижтимоий ажратмаларни амалга оширмапти.

Халқаро меҳнат ташкилотининг талабарига мувофиқ, фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини барқарор ривожланиши учун бадал тўловчилар сонининг пенсия олувчиларга ўзаро нисбати 1 : 4 даражада бўлиши кўрсатилган. Бироқ, бугунги кунда Ўзбекистонда бу кўрсаткич ўртача 1 : 1,5 га тенг. Таъкидлаш жоизки, пенсионерлар сонининг ишловчи аҳолига нисбати 2009-йилдаги 61 фоиздан 2017-йилда 66 фоизга ўсган.

Пенсия жамғармаси маблағларининг сезиларли қисми имтиёзли шартлардги пенсияларни ва пенсияларга устама ҳақларни молиялаштиришга сарфланади. Имтиёзли шартларда тайинланган пенсиялар улуши 592,4 минг кишини ёки жами тайинланган пенсияларнинг 19,5 фоизни ташкил етиб, шундан, ёшга доир пенсиялар 23,7 фоизни ташкил етади. Йилига ўрта ҳисобда 39,8 мингта имтиёзли пенсиялар тайинланмоқда. Шу билан бирга, имтиёзли шартлардаги пенсияларнинг ўртача миқдори ёшга доир пенсияларнинг ўртача миқдоридан (543,2 минг сўм) юқори бўлиб, 3 – сонли Рўйхат бўйича ўртача пенсиялар 742,6 минг сўмни, 2 – сонли Рўйхат бўйича пенсиялар 951,3 минг сўмни ва 1 – сонли Рўйхат бўйича пенсиялар 1 025,4 минг сўмни ташкил етади. Шунингдек, пенсия миқдори ва ходимнинг меҳнат давомийлиги улуши ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ҳам сезиларсиз. Амалдаги пенсия таъминоти тизими, 7 йилдан кам бўлмаган стажга ега бўлган шахсларга пенсия тайинланишини назарда тутди. Ушбу ҳуқуқ фақатгина 7 йил ишлаб ва ўзининг бутун меҳнатга лаёқатлилиқ даври учун Пенсия жамғармаси маблағларини шакллантиришда энг кам ҳисса қўшган шахсларга пенсия олиш имконини беради.

Халқаро меҳнат ташкилотининг “Ижтимоий таъминотнинг минимал меъёрлари тўғрисида”ги 102-сонли Конвенциясига мувофиқ, ёшга доир пенсияни тайинлаш учун талаб етиладиган энг кам иш стажи 15 йил қилиб белгиланган. Дунёнинг кўплаб давлатлари, шу жумладан, МДХ давлатларида


талаб етилган энг кам иш стажи 10-15 йил даражасига етказилган.



2.4-расм. Ўзбекистонда иш стажига мувофиқ ўртача пенсия миқдори⁵¹

Иш стажига нисбатан 7 йил давомийликдаги минимал талабнинг мавжудлиги фуқароларнинг давлат ижтимоий суғуртасидаги иштирокида салбий таъсир ўтказмоқда. Масалан, ҳозирги вақтда иш ҳақининг ўртача даражасида 30 йил иш стажига (талаб етилган – 25 йил) ега бўлган еркак кишининг пенсия миқдори билан 10 йиллик иш стажига ега бўлган (минимал талаб етилган – 7 йил) еркак кишининг пенсия миқдори ўртасидаги фарқ тахминан 200 минг сўмни ташкил этади.

⁵¹ www.pfru.uz. sayti ma'lumotlarni asosida magistrant tomonidan shakllantirilgan.



2.5-расм. Айрим давлатларда талаб этиладиган енг кам иш стажи⁵²

Ишловчиларнинг ижтимоий суғуртадаги узок муддат ва узлуксиз иштирокини рағбатлантиришдаги заиф механизмлар уларни суғурта бадалларини тўламасликнинг янги усулларини кидиришга мажбур этади. Буларнинг барчаси аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимининг пенсия таъминоти соҳасидаги асосий ёндашувларни қайта кўриб чиқишни тақозо этади.

2.2. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг молиявий ҳолати таҳлили

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг молиявий ҳолати унга тўланадиган тўловларнинг ўз вақтида ва тўлиқ миқдорда амалга оширилишига ҳамда пенсия таъминоти бошқарувининг самарали ташкил этилишига боғлиқдир⁵³. Давлат пенсия фондлари барқарорлигини таъминлаш макроиктисодий нуқтаи назардан ҳам катта аҳамиятга ега бўлиб, бу борада АҚШлик олим Жун Пенгнинг қуйидаги фикрлари аҳамиятлидир: “...пенсия

⁵² www.pfru.uz. sayti ma'lumotlarni asosida magistrant tomonidan shakllantirilgan.

⁵³ Vaxabov A.V. Pensiya tizimining moliyaviy barqarorligini ta'minlash muammolari. “Pensiya tizimining moliyaviy barqarorligini ta'minlash va samaradorligini oshirish” mavzusida O'zbekiston milliy universitetining 100 yilligiga bag'ishlangan respublika iilmiy-amaliy konferentsiyasi materiallari to'plami. 2017-yil 15-noyabr. – Toshkent: “Universitet”, 2017. 5-7-b.

таъминоти бошқаруви, нафақат, пенсия таъминотининг молиявий барқарорлигига, балки бутун давлат секторининг молиявий барқарорлигига таъсир кўрсатади, шу сабабли пенсия таъминоти бошқаруви давлат пенсия тизимига пенсия бадалини тўловчи ва келгусида ундан ҳукумат томонидан кафолатланган пенсия тўловларини олувчи ҳар бир шахсга дахлдор бўлмоғи лозим⁵⁴.

Пенсия таъминоти тизимининг асосий молиявий институти – бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлиб, унинг молиявий барқарорлиги, биринчидан, тўғридан-тўғри аҳолининг ижтимоий ҳимоя тизими барқарорлигига, иккинчидан, Пенсия жамғармасига тўланиши лозим бўлган мажбурий тўловлар ва бадаллар ҳамда бошқа тўловларга боғлиқ бўлади. Қолаверса, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлиги давлатнинг ижтимоий функциясига ижобий таъсир қилади. Шу сабабли мазкур жамғарма маблағларини шакллантириш манбаларининг мунтазам равишда такомиллаштирилиб борилиши, тушумларнинг ўз вақтида ва тўлиқ тушишини таъминлашга еришиш Пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010-йил 19-февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 30-сонли қарорига ва унга илова қилинган “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғарма⁵⁵си тўғрисидаги Низом”га кўра Пенсия жамғармаси маблағлари қуйидаги манбалар ҳисобига шакллантирилади:

1. *Мажбурий тўловлар ва бадаллар:*

- белгиланган миқдорлардаги ягона ижтимоий тўлов тушумлари;

⁵⁴ Jun Peng. State and Local Pension Fund Management. (Public Administration and Public Policy) 0th Edition. USA: Publisher: Auerbach Publications (August 21, 2008). – P. 5.

⁵⁵ O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2010 yil 19 fevraldagi "O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi huzuridagi byudjetdan tashqari Pensiya jamg'armasi to'g'risidagi Nizomni tasdiqlash haqida"gi 30-sonli qarori asosida tasdiqlangan "O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi huzuridagi Pensiya jamg'armasi to'g'risida"gi Nizom.

- алоҳида юридик шахсларнинг ижтимоий суғурта бадаллари;
- фуқароларнинг суғурта бадаллари;
- жисмоний шахслар айрим тоифаларининг суғурта бадаллари;
- мажбурий ажратмалар;

2. Бошқа тўловлар:

– боқувчисини йўқотган тақдирда, шунингдек, меҳнатда майиб бўлганлик ёки ходим меҳнат мажбуриятларини бажариши билан боғлиқ касб касаллиги оқибатидаги ногиронлик туфайли тайинланган пенсияларни тўлашга харажатларни тўлаш учун регрессив талаблар (даъволар) бўйича иш берувчилар ва фуқаролардан “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ундириладиган маблағларнинг 85 фоизи;

– “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14-моддасига мувофиқ (технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил етишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корхонанинг тугатилганлиги муносабати билан ишдан озод етилган ва ишсиз деб еътироф етилган шахслар: еркаклар – 58 ёшга тўлганда ва иш стажи камида 25 йил бўлган тақдирда; аёллар – 53 ёшга тўлганда ва иш стажи камида 20 йил бўлган тақдирда пенсия олиш ҳуқуқига ега бўладилар) муддатидан олдин тайинланган ёшга доир пенсияларни тўлаш харажатларини қоплаш учун ўтказиладиган Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш жамғармаси маблағлари;

– “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 12-моддасига мувофиқ тайинланган имтиёзли пенсияларни тўлаш харажатларини қоплаш ҳисобига ўтказиладиган юридик шахслар маблағлари;

– деҳқон хўжаликлари аъзолари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўланадиган суғурта бадаллари;

– ҳисобланган жарималар суммасининг бир қисми ҳамда мажбурий тўловлар, бадаллар ва бошқа тўловлар ўз вақтида тўланмаганлиги учун пенялар;

– юридик шахс тугатилганда, қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкати), фермер ва деҳқон хўжалиги қайта ташкил етилганда ёки тугатилганда меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда майиб бўлган, касб касаллигига чалинган ёки соғлиғига бошқача шикаст етказилган ходимга етказилган зарарни қоплаш учун тўланадиган суммалар;

– қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган бошқа манбалар, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ва ихтиёрий бадаллар.

Қайд этиш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексида “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти, ижтимоий нафақалар тўлаш, компенсация тўловлари ва бошқа тўловлар бўйича харажатларни молиялаштиришга йўналтириладиган мажбурий тўловлар, бадаллар, шунингдек, бошқа манбалардан тушадиган маблағларни жамлаш белгиланган”⁵⁶. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига асосан Пенсия жамғармасига ундириладиган маблағлар солиқларга тенглаштирилган бўлиб, юридик ва жисмоний шахслардан мажбурий равишда ундирилади ва маблағларнинг ўз вақтида тўлиқ ундирилиши Давлат солиқ қўмитаси зиммасига юклатилган.

Сўнгги йилларда давлат пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш юзасидан кенг кўламли ҳуқуқий ислохотлар амалга оширилди. Жумладан, иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендияларни тўлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, пенсионерлар, талабалар ва аҳолининг бошқа ижтимоий еҳтиёжманд қатламлари ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоясини сўзсиз таъминлаш, уларнинг Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудида харид қиладиган товар ва хизматлар учун тўловларни тўсиқларсиз

⁵⁶ O'zbekiston Respublikasining Byudjet kodeksi. 37-modda.

амалга ошириши учун қулай шароитлар яратиш мақсадида 2017-йил 2-февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендияларни тўлаш механизмини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-2753-сонли Қарори қабул қилинди. Мазкур қарор мамлакатимиз ҳудудларида иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендиялар тўлашдаги мавжуд аҳволни танқидий таҳлил қилиш натижасида қабул қилинган бўлиб, 2017-йил феврал ойидан бошлаб⁵⁷:

- барча турдаги пенсияларни тўлаш ҳеч қандай чекловларсиз тўлиқ ҳажмда нақд шаклда амалга оширилиши;

- 58 тоғли ва олис туманларда жойлашган бюджет ташкилотлари ходимларига иш ҳақи тўлаш, шунингдек, ушбу туманлар аҳолисига ижтимоий тўловлар ҳам ҳеч қандай чекловларсиз тўлиқ ҳажмда нақд шаклда амалга оширилиши;

- олий ўқув юртлари талабаларига стипендия тўлаш 50 фоиздан кам бўлмаган миқдорда нақд шаклда амалга оширилиши белгиланган.

Фикримизча, ушбу қарор ижросини таъминлаш иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендиялар ҳамда уларга тенглаштирилган тўловларни амалга ошириш билан боғлиқ вазиятни тубдан яхшилаш ва фуқароларнинг ўз пул маблағларини ўзларига қулай шаклда олиш бўйича қонуний ҳуқуқларини тўла таъминлашга хизмат қилади.

Ўзбекистонда давлат пенсия таъминоти бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасидан амалга оширилишини инобатга оладиган бўлсак, 2017-йилда Пенсия жамғармаси харажатларининг ЯИМ таркибидаги улуши 7,8 фоизни ташкил қилган. Бу кўрсаткич тараққий етган мамлакатларда, хусусан, Францияда 13,7 фоизни, Германияда 11,3 фоизни, Японияда 10,2 фоизни, Швецияда 8,2 фоизни, АҚШда 6,8 фоизни, Россияда 9,2 фоизни ташкил қилган. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, бунда тараққий етган мамлакатларнинг фақат давлат пенсия таъминоти инобатга олинган, яъни

⁵⁷ О'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 2-fevraldagi "Ish haqi, pensiya, nafaqa va stipendiyalarni to'lash mexanizmini takomillashtirishga doir qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi PQ-2753-sonli Qarori.

ушбу мамлакатлардаги хусусий пенсия фондлари харажатлари ҳисобга олинмаган. Албатта, агар тараққий етган мамлакатларда хусусий пенсия фондлари харажатлари ҳам ҳисобга олинмаган бўлса, бу кўрсаткич бир мунча юқори бўлиши аниқ. Чунки тараққий етган мамлакатларда хусусий пенсия фондлари давлат пенсия фондлари билан параллел равишда фаолият юритиб, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда муҳим рол ўйнайди. Шу сабабли ҳам хусусий пенсия фондларининг фаолияти давлат томонидан назорат қилиб борилади.

Ўзбекистонда пенсия таъминотини амалга оширувчи асосий молиявий муассаса бўлган Пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигига Пенсия жамғармасига жамланадиган маблағларнинг ҳажми ва уларнинг ўз вақтида ундирилиши ҳамда Пенсия жамғармасидан тўланадиган пенсиялар, ижтимоий нафақалар, компенсация тўловлари ва бошқа тўловларнинг молиялаштирилиши таъсир кўрсатади. Пенсия жамғармасининг республикадаги ижтимоий-иқтисодий аҳамиятини кўрсатувчи қуйидаги жадвалдаги статистик маълумотларга мурожаат қиладиган бўлсак, 2017-йилда Пенсия жамғармаси маблағлари 2011-йилга нисбатан 3,1 мартага ортган. 2.3-жадвалда 2011-2017-йилларда Пенсия жамғармаси маблағларининг ўсиш суръатлари мамлакат ЯИМнинг ўзгариши билан синхрон ҳолда таҳлил қилинган бўлиб, унга кўра мазкур йилларда Пенсия жамғармаси маблағларининг ўсиш суръатлари ЯИМнинг ўсиш суръатларидан юқори бўлган, фақат 2017-йилда ЯИМнинг ўсиш суръатлари Пенсия жамғармаси маблағларининг ўсиш суръатларидан ортда қолган. Бунинг асосий сабаби 2011-2016-йилларда фуқароларнинг иш ҳақидан ундириладиган суғурта бадали ставкаси ошириб борилган ва бошқа мажбурий тўловлар ставкаси ўзгармасдан сақлаб қолинган ҳамда 2015-йилдан бошлаб кичик бизнес субъектлари ва микрофирмалар учун ягона ижтимоий тўлов ставкаларининг 25 фоиздан 15 фоизга туширилганлиги билан изоҳланади.


2.3-жадвал

**Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасы маблағлари ва унинг
ялпи ички маҳсулотга нисбати⁵⁸**

Кўрсаткичлар	2011 йил (базис)	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2015 йил	2017 йил
Ялпи ички маҳсулот (номинал) млрд. сўмда	78764,2	97929, 3	118987	144868	171369	249130
Ялпи ички маҳсулот номинал ўсиши, %да	100,0	124,3	151,1	183,9	217,6	286,6
Пенсия жамғармасы маблағлари млрд. сўмда	6176,9	8065,4	10302,1	13013,7	16557	19505,1
Пенсия жамғармасы маблағларининг номинал ўсиши, %да	100,0	130,6	166,8	210,7	268,0	300,8
Пенсия жамғармасы маблағларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши, %да	7,8	8,2	8,7	9,0	9,7	7,8

2012-2017-йилларда Пенсия жамғармасы даромад манбаларидан тушумлар миқдорларининг таркибий таҳлили шундан далолат берадики, бунда Пенсия жамғармасининг асосий даромад манбаларидан бири ягона ижтимоий тўловдан ажратмалар еканлигини кўришимиз мумкин. Хусусан, мазкур мажбурий тўловдан Пенсия жамғармасига тушумлар Пенсия жамғармасининг жами даромадларининг 50-60 фоизини ташкил этаётганлигини ва унинг улуши йилдан-йилга камайиш тенденциясига ега бўлиб бораётганлигини кўриш мумкин. Фуқаролардан олинадиган суғурта бадаллари еса Пенсия жамғармасининг жами даромадлари таркибида 2012-йилдаги 13,8 фоиздан 2017-йилда 20,5 фоизга ортган. Йил бошига қолдиқ еса 2017-йилда 11,7 фоизни ташкил қилиб, 2012-йилга нисбатан 8,3 ф.п.га ортган (2.6-расм).

⁵⁸ O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2010-yil 24-dekabrda 1449-sonli, 2011-yil 30-dekabrda 1675-sonli, 2012-yil 25-dekabrda 1887-sonli, 2013-yil 25-dekabr 2099-sonli, 2014-yil 4-dekabrda 2270-sonli, 2015-yil 22-dekabrda 2455-sonli, 2016-yil 27-dekabrda 2609-sonli qarorlari, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2016-yil 27-dekabrda "O'zbekiston Respublikasining 2017 yilgi asosiy makroiqtisodiy ko'rsatkichlari prognozi va davlat byudjeti parametrlari to'g'risida"gi PQ-2699-sonli Qarori, Moliya vazirligi va Davlat statistika qo'mitasi ma'lumotlari.



2.6-расм. Пенсия жамғармасы маблағларининг таркиби (фоизда)⁵⁹

Бундай ўзгаришларга қуйидаги омиллар таъсир кўрсатган:

– 2015-йилдан бошлаб ягона ижтимоий тўлов ставкаларининг кичик бизнес субъектлари ва микрофирмалар учун 25 фоиздан 15 фоизга туширилиши Пенсия жамғармасига мазкур манбадан тушумлар миқдорларини сезиларли равишда камайишига олиб келган;

– фуқаролардан ундириладиган мажбурий суғурта бадаллари ставкалари охириги йилларда оширилиб борилиши ҳисобига унинг Пенсия жамғармасы жами даромадларидаги улушининг ортишига олиб келган;

– охириги йилларда пенсия тизимидаги ислохотлар, пенсияларни тайинлаш ва тўлаш тизимининг такомиллаштирилиши ва ижтимоий тўловларнинг аниқ мақсадли йўналтирилишидаги олиб борилган чора-тадбирлар Пенсия жамғармасы маблағларидан фойдаланиш самарадорлигининг ошишига олиб келди ҳамда Пенсия жамғармасы даромадлари ва харажатлари ўртасидаги ижобий қолдиқни келтириб чиқарди.

Фуқароларнинг иш ҳақларидан ундириладиган суғурта бадалларидан

⁵⁹ O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2010-yil 24-dekabrda 1449-sonli, 2011-yil 30-dekabrda 1675-sonli, 2012-yil 25-dekabrda 1887-sonli, 2013-yil 25-dekabrda 2099-sonli, 2014-yil 4-dekabrda 2270-sonli, 2015-yil 22-dekabrda 2455-sonli, 2016-yil 27-dekabrda 2609-sonli qarorlari, Moliya vazirligi va Davlat statistika qo'mitasi ma'lumotlari.

тушумлар миқдорида бир қанча омиллар ўзгариши таъсир қилади ва уларнинг омилли таҳлилини амалга ошириш муҳим амалий аҳамият касб этиб, кўплаб макроиқтисодий кўрсаткичларга асосланади⁶⁰. Бу омиллар жумласига: мамлакатдаги иш билан бандлар сони ва унинг ўзгариши, фуқароларнинг иш ҳақи миқдорлари ва унинг ўзгариши, инфляция суръатлари каби омиллар ўз таъсирини кўрсатади. Бироқ, мажбурий суғурта бадали ставкаларининг ўзгариши энг катта таъсир доирасига ега. Чунки, мажбурий суғурта бадали пенсияга чиқувчилардан ундирилиши ва бадал тўловчига пенсия олиш ҳуқуқини бериши сабабли ҳам Пенсия жамғармаси даромадларида унинг салмоғи асосий улушни ташкил этиши зарур. Мазкур мажбурий бадалдан тушумлар Пенсия жамғармаси даромадлари ўзгаришига қандай боғланишда эканлигини аниқлаш мақсадида корреляцион таҳлил усулидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Яъни, икки кўрсаткич – суғурта бадалидан тушумлар (X) ва Пенсия жамғармаси даромадлари (Y) ўртасидаги корреляция коэффициенти деб, ушбу миқдорлар чегирмалари кўпайтмаси натижасини шу миқдорлар ўртача квадратли чегирмалари кўпайтмаси нисбатига айтилади. Қуйидаги формула орқали X ва Y белгилари орасидаги боғланишни ва унинг кучини аниқлаймиз⁶¹:

$$R_{xy} = \sum (X_i - \bar{X})(Y_i - \bar{Y}) / \sqrt{\sum (X_i - \bar{X})^2 \sum (Y_i - \bar{Y})^2} \quad 1$$

2.4-жадвал

2012-2017-йилларда суғурта бадали тушумлари миқдори ва Пенсия жамғармаси даромадлари, млрд. сўмда⁶²

Йиллар	Суғурта бадалидан тушумлар миқдори - X	Пенсия жамғармаси даромадлари – Y
2012	1110,2	8065,4
2013	1482,7	10302,1
2014	1877,2	13013,7

⁶⁰ Mamatov B., Achilov U. Byudjetdan tashqari Pensiya jamg'armasining moliyaviy barqarorligini mustahkamlash. "Xalqaro moliya va hisob" ilmiy elektron jurnali, 4-son. 2017 yil. www.interfinanse.uz

⁶¹ Zokirova M.Sh., Abdug'afforov A.A. Iqtisodiy modelashtirish amaliyoti. – T.: "O'zbekiston", 1999. 9-b.

⁶² O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2010-yil 24-dekabrda 1449-sonli, 2011-yil 30-dekabrda 1675-sonli, 2012-yil 25-dekabrda 1887-sonli, 2013-yil 25-dekabr 2099-sonli, 2014-yil 4-dekabrda 2270-sonli, 2015-yil 22-dekabrda 2455-sonli, 2016-yil 27-dekabrda 2609-sonli qarorlari, Moliya vazirligi va Davlat statistika qo'mitasi ma'lumotlari.

2015	2463,8	16557,0
2016	3235,0	18113,3
2017	3993,9	19505,1
Жами	14162,8	85556,60

Жадвал маълумотлари ва юқоридаги формула асосида қуйидаги ҳисоб-китоб ишларини амалга оширамиз:

$$\bar{X} = (1010,2 + 1482,7 + 1877,2 + 2463,8 + 3235,0 + 3993,9) / 6$$

$$\text{Бундан } \bar{X} = 2360,47$$

$$\bar{Y} = (8065,4 + 10302,1 + 13013,7 + 16557,0 + 18113,3 + 1905,1) / 6$$

$$\text{Бундан } \bar{Y} = 14259,43$$

Юқоридаги жадвал маълумотлари асосида қуйидагича натижаларга ега бўламиз:

2.5-жадвал

Фуқароларнинг иш ҳақиларидан суғурта бадаллари ва Пенсия жамғармаси даромадлари омиллариининг корреляцион таҳлили

Йиллар	$X_u - \bar{X}$	$Y_u - \bar{Y}$	$(X_u - \bar{X}) * (Y_u - \bar{Y})$	$(X_u - \bar{X})^2$	$(Y_u - \bar{Y})^2$
2012	-1250,3	-6194,0	7744209,9	1563175,1	38366007,6
2013	-877,8	-3957,3	3473625,6	770480,2	15660460,7
2014	-483,3	-1245,7	602023,9	233549,9	1551843,2
2015	103,3	2297,6	237407,9	10677,1	5278827,9
2016	874,5	3853,9	3370324,9	764802,7	14852314,0
2017	1633,4	5245,7	8568434,7	2668093,6	27517053,7
Жами	0,0	0,0	23996027,0	6010778,5	103226507,2

Юқорида келтирилган жадвал маълумотлари асосида Пенсия жамғармаси даромадлари ўзгаришларига суғурта бадалларидан тушумлар орасидаги корреляция коэффициентини топамиз. Бунинг учун ҳисоблаш ишлари қуйидагича амалга оширилган:

$$R_{xy} = \sum (X_i - \bar{X})(Y_i - \bar{Y}) / \sqrt{\sum (X_i - \bar{X})^2 \sum (Y_i - \bar{Y})^2}$$

$$R_{xy} = 23996027,0 / \sqrt{6010778,5 * 103226507,2}$$

$$R_{xy} = 0,9633$$

Демак, корреляция коэффициенти 0,9633 га тенг. Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, суғурта бадали бўйича тушумлар ҳажми Пенсия жамғармаси даромадлари ҳажмининг ўсишига тўғридан-тўғри боғлиқдир ва бу боғлиқлик жуда кучли. Шу сабабли, Пенсия жамғармаси даромадлари барқарорлигини таъминлашда суғурта бадали тўлови бўйича тушумлар миқдорини кўпайтириш енг муҳим омиллардан ҳисобланади.

Бироқ, Пенсия жамғармасининг келажақда ҳам барқарор фаолият юритишини таъминлаш, уни келгусидаги демографик ва иқтисодий ўзгаришларга мослаган ҳолда такомиллаштириб бориш, даромад манбаларидан тушумлар миқдорини кўпайтириш макроиқтисодий даражадаги долзарб масаладир. Ушбу масала, аввало, демографик омилларга, хусусан, аҳолининг туғилиш даражасининг пасайишига ҳам боғлиқ бўлади. Таъкидлаш жоизки, XX асрнинг 50-йилларидан бошлаб, Ўзбекистонда туғилиш даражаси кескин ошди. 1950-1990-йилларда тахминан ҳар бир оилага 5-6 нафардан бола тўғри келган бўлса, 1990-йиллардан бошлаб ҳар бир оилага 2-3 нафар бола тўғри келмоқда. Моҳият шундаки, ижтимоий суғурталашга асосланган пенсия тизими “авлодлар бирдамлиги” принципига асосланади, яъни ёш авлод Пенсия жамғармасига мажбурий тўлов ва бадалларни тўлаб боради ва шаклланган маблағлар пенсионерларга пенсия сифатида тўланади ва бу жараён узлуксиз давом этади. Туғилиш жараёнининг камайиши еса пенсия тизимида номунатосибликни келтириб чиқаради, хусусан, Пенсия жамғармасига бадал тўловчилар камайиб, пенсия олувчилар сони кўпаяди. Аҳолининг ўртача умр давомойлигининг узайиши ҳам асосий таъсир етувчи омиллардан саналади. Бунда замонавий тиббиётнинг ривожланиши ва аҳоли турмуш даражасининг яхшиланиши инсонларнинг умргузаронлигини оширади ва бу пенсия тўлаш даврининг узайишига олиб келади.


2.3. Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизими ва унинг таҳлили

Жамғариб бориладиган пенсия таъминотининг манбасини фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобрақамларига мажбурий ҳар ойлик бадаллар ташкил қилади. Бунда жисмоний шахсларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган даромад солиғи суммасидан тегишли равишда чиқариб ташланган ҳолда ходимнинг ҳисобланган иш ҳақи (даромади)нинг 2 фоизи⁶³ ҳисобига жамғариладиган пенсия маблағлари шаклланади. Таъкидлаш жоизки, ходимларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ҳар ойлик бадаллар тўлаш 2005-йилнинг январ ойи учун ҳисобланган иш ҳақи (даромад)дан бошланган. Жамғариб бориладиган пенсия тизимида пенсия жамғармаларини фуқаролар ва хўжалик юритувчи субъектларнинг маблағлари ҳисобига емас, балки давлат бюджетига тўланиши лозим бўлган маблағлардан ажратмалар ҳисобига шакллантириш механизми амал қилмоқда. Бунда, фуқароларнинг якка тартибдаги жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига мажбурий бадаллар жисмоний шахслар даромад солиғининг бюджетга йўналтириладиган бир қисми ҳисобидан амалга оширилади.

Албатта, жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини шакллантириш учун, аввало, ушбу тизимга аъзоликни таъминлаш керак. Аъзолик еса 2 хил тарзда бўлиши мумкин: мажбурий ва ихтиёрий⁶⁴. Меҳнат фаолиятини меҳнат шартномаси асосида амалга оширувчи фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия тизимида мажбурий тартибда, бироқ, якка тартибдаги тадбиркорлар, юридик шахс ташкил етмаган ҳолда фаолият юритувчи деҳқон хўжаликларининг аъзолари, шунингдек, бошқа фуқаролар жамғариб бориладиган пенсия тизимида ихтиёрийлик асосида иштирок етишлари мумкин (2.7-расм).

⁶³ 2015-йилдан 2018-йилгача бу ставка 1 фоиз миқдоридан бо'лган. 2018-йилдан бoshлаб бу ставка 2 фоиз миқдоридан белгиланди.

⁶⁴ Kasimova G.A., Botirov A.A. Jamg'arib boriladigan pensiya ta'minoti. Monografiya. – T.: "IQTISOD-MOLIYA", 2015. 24-b.



2.7-расм. Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия тизимидаги иштироки⁶⁵


Жисмоний шахсларнинг конун ҳужжатларига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган даромад солиғининг тегишлича камайтирилган суммаси ҳисобига жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадалларини иш берувчи ҳар ойда тўлаб боради.

Халқ банки томонидан фуқароларга шахсий жамғариладиган пенсия маблағларининг ўз вақтида ва тўлиқ миқдорда тўланиши, ўз навбатида, банкнинг молиявий ҳолатига ҳам боғлиқ бўлади. Жамғариб бориладиган пенсия таъминотини амалга оширувчи Халқ банкининг сўнгги йиллардаги молиявий кўрсаткичлари барқарор суръатларни қайд етмоқда. Жумладан, 2017-йил 1-сентябр ҳолатига Халқ банкининг 198 та филиали, шунингдек, 27 та мини-банк, 2855 та жамғарма, махсус, коммунал ва кўчма (сайёр) кассалари ва 183 та халқаро пул ўтказмалари ва 54 та валюта айирбошлаш шохобчалари аҳоли ва миқозларга хизмат кўрсатмоқда. 2017-йил 1-сентябр ҳолатига банк капитали 566,7 млрд. сўмни, депозит базаси 3540,7 млрд. сўмни, аҳоли омонатлари 2696,7 млрд. сўмни, банкнинг кредит портфели 2832,5 млрд. сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан сезиларли тарзда ошган⁶⁶. Бу еса иқтисодиётни модернизация ва жамғариладиган пенсиялр миқдорини ошириш нуқтаи назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

⁶⁵ O'zbekiston Respublikasining "Fuqarolarning jamg'arib boriladigan pensiya taminoti to'g'risida"gi Qonuni. 2004-yil. 2-dekabr. 6-modda.

⁶⁶ <https://www.xb.uz>.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларида маблағларни шакллантириш манбаларини 2.8-расм асосида тасвирлаш мумкин.



2.8-расм. Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларида маблағларни шакллантириш манбалари⁶⁷

Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларидан жамғариб бориладиган пенсия тўловлари тўлаш учун фойдаланилади. Маълумотларга кўра, 2015-йилда жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимидан 9256100 нафар фуқаро фойдаланган⁶⁸. Қонун ҳужжатларида белгиланганидек, Халқ банки фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимидаги маблағларни марказлашган ҳолда узоқ муддатли активларга инвестиция ва кредит ресурслари сифатида жойлаштириб келмоқда.

Бугуги кунда пенсия ёшига етган кекса ёшдаги фуқаролар ҳар ойда олинадиган давлат пенсиясига қўшимча равишда бирданига ёки қисман олиш йўли билан ҳисобварақларидаги маблағларни Халқ банки филиалларидан олишмоқда.

Халқ банки ва маҳаллий ҳокимият органлари томонидан жамғариб бориладиган пенсия тизимининг самарадорлигини таъминлаш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Республиканинг барча минтақаларидаги Халқ банки бўлимларида хўжалик юритувчи субъектларнинг тақдимномаси бўйича

⁶⁷ O'zbekiston Respublikasining "Fuqarolarning jamg'arib boriladigan pensiya taminoti to'g'risida"gi Qonuni. 2004-yil. 2-dekabr. 11-modda.

⁶⁸ www.xb.uz.

фуқаролар учун якка тартибдаги жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-варақлари очилди, шахсий жамғариб бориладиган пенсия дафтарчалари берилиб, жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга қўйишнинг электрон маълумотлар базаси шакллантирилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Халқ банки билан биргаликда иш берувчилар томонидан фуқароларнинг якка тартибдаги жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-варақларига мажбурий бадалларни қўшиб тўлаш тартибини амалга оширади. Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-варақларига бадаллар ўз вақтида ва тўлиқ ўтказилмаганлиги учун айбдор шахсларга нисбатан солиққа оид амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ таъсир чоралари қўлланилади. Албатта, бундай чоралар жамғариб бориладиган пенсия тизимини тартибга солишда муҳим аҳамиятга эга.

Хўжалик юритувчи субъектлар, шу жумладан, иш берувчилар томонидан ходимларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига бадалларни тўлаш тартиби “Иш берувчилар томонидан ходимларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақига бадалларни тўлаш тартиби тўғрисида Йўриқномавий хати”⁶⁹ асосида амалга оширилади.

Фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига мажбурий ойлик бадаллар миқдори ходимнинг ҳисобланган иш ҳақининг 2 фоизини ташкил этади ва бунда ходимнинг иш ҳақи деб, жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиққа тортилиши лозим бўлган жами даромад тушунилади. Меҳнат шартномаси бўйича меҳнат фаолиятини амалга оширувчи барча фуқаролар (шу жумладан, ишлаётган пенсионерлар) жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчи сифатида жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок етувчилар ҳисобланади. Барча юридик шахслар – иш берувчилар

⁶⁹ O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi, Markaziy banki, Davlat soliq qo'mitasi, Bandlik va mehnat munosabatlari vazirligining qo'shma Qarori asosida 2005-yil 31-yanvarda tasdiqlangan.

ходим учун мазкур юридик шахс асосий иш жойи ҳисобланиши ёки у ўриндошлик, соатбай ҳақ тўлаш, вақтинчалик меҳнат келишуви, бир марталик ишларни бажариш ва ҳоказо шартларда ишлашдан қатъи назар ўз ходимларининг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига бадалларни ўтказишлари шарт. Барча юридик шахслар ходимлар билан ўриндошлик, соатбай ҳақ тўлаш, бир марталик ишларни бажариш шартларида меҳнат шартномалари тузишда, гонорар ва бошқа тўловларни тўлашда ҳисобварақ рақами, Халқ банки филиали ва банкнинг ушбу филиали коди кўрсатилган ҳолда шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағи мавжудлиги тўғрисида маълумотномани талаб қилиши шарт. Юридик шахслар – иш берувчилар иш ҳақи, муаллифлик ҳақи ва бошқа тўловларни ҳисоблашда ушбу меҳнат шартномалари бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш сифатида ҳисобланган суммадан 2 фоиз миқдорида ушбу ходимнинг асосий иш жойи бўйича очилган шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига ўтказиши шарт. Юридик шахсни ташкил етмаган ҳолда якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи фуқаролар, юридик шахсни ташкил етмаган деҳқон хўжаликларининг аъзолари, шунингдек, меҳнат фаолияти билан вақтинчалик банд бўлмаган шахслар жамғариб бориладиган пенсия тизимида ихтиёрийлик асосида иштирок этадилар.


Меҳнат шартномаси бўйича меҳнат фаолиятини амалга оширувчи ва Солиқ кодексига мувофиқ жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқни тўлашдан тўлиқ озод қилинган фуқаролар жамғариб бориладиган пенсия тизимида ихтиёрийлик асосида иштирок етишга ҳақли. Солиқ кодексига мувофиқ жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ бўйича имтиёзга ега бўлган (ҳар бир ой учун енг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқдорида солиқ солинмайдиган) фуқаролар жамғариб бориладиган пенсия тизимида умумий асосда иштирок этади.

Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларидан жамғариб бориладиган пенсия тўловлари тўлаш учун фойдаланилади ва жамғариб

бориладиган пенсия тизими билан боғлиқ бўлмаган мажбуриятларни бажариш учун фойдаланиш мумкин эмас.

Халқ банки жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларининг алоҳида ҳисобини юритади. Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини кўпайтириш ҳамда уларни пул кадрсизланишидан ҳимоя етиш мақсадида бундай маблағлардан инвестиция ва кредит ресурслари сифатида, шунингдек, молиявий воситаларга жойлаштириш учун фойдаланилиши мумкин. Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларидан инвестиция ва кредит ресурслари сифатида фойдаланиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Халқ банки томонидан амалга оширилади. Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини молиявий воситаларга жойлаштириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланади.

Жамғариб бориладиган пенсия бадаллари шаклида тушган пул маблағлари кейинчалик фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига ўтказиш учун Халқ банки филиали томонидан махсус транзит ҳисобварағига ўтказилади. Халқ банки филиали жамғариб бориладиган пенсия бадаллари тушган кундан кейинги иш кунидан кечикмай маблағларни ҳосил бўлган мажбуриятлар миқдорида Халқ банкининг марказий операция филиалига ўтказилади. Филиаллардан олинган маблағлар Халқ банкининг марказий операция филиали томонидан белгиланган тартибда жойлаштирилади.



2.9-расм. Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти харажатларининг таркиби ва тузилиши⁷⁰

Расм маълумотларидан кўринадик, фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти харажатлари икки қисмга бўлинади. Биринчиси, фуқароларга қонунчиликка кўра пенсия ёшига етганларида улар учун очилган Халқ банкидаги шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидан маблағларнинг тўланиши бўлса, иккинчиси, Халқ банки томонидан жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини инвестиция ва кредит ресурслари сифатида, шу жумладан, молиявий воситаларга йўналтирилишидир.

Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидан жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш учун фуқаролар “Фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидан маблағларни тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низом асосида тасдиқланган шакл бўйича Гувоҳнома бериш тўғрисидаги ариза билан жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчининг яшаш жойидаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлимига мурожаат қиладилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки: жисмоний шахслар иш ҳақининг тахминан 19-20 фоизи солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар кўринишида

⁷⁰ Amaldagi qonun hujjatlari asosida magistrant tomonidan shakllantirildi.

ушлаб қолинади; жисмоний шахсларнинг иш ҳақи миқдори қанчалик юқори бўлса, ушланма фоизи ҳам шунча катта бўлади ва аксинча; жамғариб бориладиган пенсия тизимига юқори ажратма қилган фуқаролар юқори пенсия олиш имкониятига ега бўладилар; жамғариб бориладиган пенсия таъминоти қонунчилигига биноан, тизимга жисмоний шахсларнинг иш ҳақидан ихтиёрий ўтказиладиган даромадлар даромад солиғига тортилмайди ва юқори фоизли даромадлилик асосида капитализация қилинади. Ишловчи фуқаролар мана шу омиллар ҳисобига пенсия даврида ўзларининг ижтимоий таъминотлари учун катта миқдорда даромад жамғариш имконига ега бўладилар; белгиланган ставкалардан келиб чиқиб ҳисобланган, бюджетга тўланадиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммаси фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ўтказиладиган, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи солинадиган даромадларидан “0” ставка бўйича солиқ солинадиган даромад (енг кам иш ҳақининг бир баравари) чегирилган ҳолда 2 фоиз миқдорида ҳисоблаб чиқариладиган ҳар ойлик мажбурий бадаллар суммасига камайтирилади. Таъкидлаш жоизки, 2018-йил 1-январдан бошлаб, жамғариб бориладиган пенсия таъминоти бўйича ажратмалар 2 фоиз миқдорида белгиланди⁷¹. Бу еса жамғариладиган пенсия ҳисобварақларига кўпроқ маблағ йиғилади ва келгусида кўпроқ маблағ аҳоли ихтиёрида бўлади.

2017-йилнинг 1-январ ҳолатига фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 18,2 фоизга ўсган. Халқ банкидаги фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия маблағларининг даромадлилиги мамлакатдаги расмий инфляция даражасидан юқоридир (2.6-жавдал).

2.6-жадвал

2007-2016-йилларда фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия маблағларининг даромадлилиги, фоиз ҳисобида

⁷¹ O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 29-dekabrda PQ-3454 sonli “O'zbekiston Respublikasining 2018-yilgi asosiy makroiqtisodiy ko'rsatkichlari prognozi va Davlat byudjeti parametrlari to'g'risida”gi Qarori.

Кўрсаткичлар	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2015 йил	2016 йил
Жамғариб бориладиган мажбурий пенсия ставкаси	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1
Инфляция даражаси	6,8	7,8	7,4	7,3	7,4	7,0	6,8	6,1	5,6	5,7
Мажбурий пенсия бадаллари	10,0	10,0	9,0	8,0	8,0	8,0	7,0	6,5	6,0	6,4
Ихтиёрий пенсия бадаллари	10,0	10,0	9,0	8,0	24,0	24,0	24,0	20,0	10,0	12,2

Жамғариб бориладиган пенсия маблағларининг шаклланиши ва сарфланиши мутаносиблигини таъминлашга бир қанча омиллар таъсир кўрсатади⁷². Жумладан:

- иш билан банд аҳоли сони;
- жисмоний шахслар иш ҳақиларининг миқдори;
- демографик жараёнлар;
- жамғариб бориладиган пенсия тизимида ихтиёрий асосда иштирок етувчилар учун рағбатлантирувчи омилларнинг мавжудлиги;
- жамғариб бориладиган пенсия маблағларига фоизлар тўланиши.

1. Иш билан банд аҳоли сони ва унинг ўсиши, ўз навбатида, жамғариб бориладиган пенсия маблағлари миқдорининг ошишига олиб келади. Чунки, амалдаги қонунчиликка кўра иш берувчиларнинг, шунингдек, меҳнат фаолиятини меҳнат шартномаси асосида амалга оширувчи фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок етиши мажбурийдир.

2. Ўз навбатида, жисмоний шахслар иш ҳақилари миқдорининг ошиши ҳам пенсия маблағлари миқдорининг ошишига туртки бўлади. Сабаби, 2005-йил 1-январдан бошлаб фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб рақамларига мажбурий ҳар ойлик бадаллар жисмоний шахсларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган даромад солиғи суммасидан тегишли равишда чиқариб ташланган ҳолда

⁷² Mamatov B., Ametova F. Jamg'arib boriladigan pensiya tizimi daromadlari va xarajatlari mutanosibligini ta'minlash. "Iqtisod va moliya" ilmiy-amaliy jurnali, 2-son, 2018 yil. 41-49-b.

ходимнинг ҳисобланган иш ҳақининг 1 фоизи миқдорида амалга оширилиши белгиланган. 2018-йилнинг 1-январидан бу миқдор 2 фоиз қилиб белгиланди⁷³. Демак, жисмоний шахс иш ҳақлари миқдори қанчалик юқори бўлса, жамғариб бориладиган пенсия тизимига ажратма миқдори ҳам шунчалик катта бўлади ва аксинча.

3. Демографик жараёнлар ҳам жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларининг шаклланиши ва сарфланиши мутаносиблигини таъминлашда муҳим ўрин тутadi. Сабаби, аҳоли сонининг ўсиши ҳам, ўз навбатида, истиқболда уларнинг меҳнат қилишлари евазига ойлик иш ҳақларининг 2 фоизини жамғариб бориладиган пенсия тизимига ажратма қилиш имконини беради.

Бироқ, ҳозирги кунда дунё аҳолисининг ўсиш суръати пасайиб бормоқда. Бирлашган миллатлар ташкилоти маълумотларига кўра, у 2016-йилда 1,20 фоизни ташкил етмоқда. Ваҳоланки 1960-йилларда бу кўрсаткич 2,04 фоизга тенг бўлган. Авлоднинг давомийлигини таъминлаш ва аҳоли сони ўсишига еришиш учун туғиш ёшидаги аёлларга 2,6 нафардан бола туғри келиши керак. Ўзбекистонда кейинги йилларда барқарор демографик вазият пайдо бўлиб, доимий ҳолда аҳоли сонининг табиий ва умумий қўшимча ўсиши содир бўлмоқда. Ўзбекистонда туғилишнинг умумий коэффициенти 1985-йилда 37,2 промиллени ташкил қилган бўлса, у 2015 ва 2016-йилларда мос равишда 23,5 ва 22,8 промиллегача пасайган. Туғилиш коэффициенти ўта паст мамлакатлар бўлиб, Белоруссия, Канада, Германия, Буюк Британия, Япония ҳисобланса, жуда юқори гуруҳга Нигерия ва Уганда давлатлари тегишлидир. Ўзбекистон, Туркменистон, Ҳиндистон, Индонезия, Мексика мамлакатларида туғилиш ўртача даражададир. Республикамизда вафот етиш коэффициенти ҳар ўртача 1000 та аҳоли ҳисобига 1985-йилда 7,2 киши чегарасида бўлиб, 2016-йилда ўртача 4,8 промиллени ташкил етган. Республикамизда аҳолининг ўртача ёши 28 йилга тенг бўлиб, демография

⁷³ O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 29-dekabrda "O'zbekiston Respublikasining 2018 yilgi asosiy makroiqtisodiy ko'rsatkichlari prognozi va davlat byudjeti parametrlari to'g'risida"gi 3454-sonli Qarori, 6-band.

борасида еришилган енг катта ютуқлардан бири гўдак (1 ёшгача бўлган)лар ўлимининг 1990-йилдаги 34,6 промилледан 2016-йилда 10,5 промиллега пасайишидир.

Давлат статистика қўмитасининг маълумотига кўра, 2017-йилнинг 1-январ ҳолатига кўра, Ўзбекистоннинг доимий аҳолиси сони 32,121 миллион кишини ташкил қилди. Иқтисодий фаол аҳолининг бандлик даражаси еса (иқтисодиётда банд аҳолининг иқтисодий фаол аҳоли сонига нисбати) 2017-йил январ-июн ойларида 94,8 фоизни ташкил етган⁷⁴. Ҳозирда Ўзбекистонда яшовчи аҳолининг 30,1 фоизини 15 ёшгача бўлган болалар, 60,5 фоизини 16 ёшдан 60 ёшгача бўлган меҳнатга лаёқатли кишилар, 9,4 фоизини 55-60 ёшдан катта бўлганлар ташкил етади⁷⁵. Бирлашган миллатлар ташкилотининг стандартларига кўра, қуйидаги ҳолатларда мамлакат аҳолиси кекса ҳисобланади: 65 ёшдан ошган аҳоли сони жами аҳолининг 7 фоизини ташкил қилса; 14 ёшгача болалар сони жами аҳоли сонининг 30 фоизидан кам миқдорни ташкил еца⁷⁶. Ўзбекистонда аҳоли сонининг ўсиши, жами аҳолининг 60,5 фоизини меҳнатга лаёқатли кишилар ташкил етиши кабилар жамғариб бориладиган пенсия тизимида маблағларининг фаол шаклланиши нуқтаи назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

4. Жамғариб бориладиган пенсия тизимида ихтиёрий асосда иштирок етувчилар учун рағбатлантирувчи омилларнинг мавжудлиги ёки унга доир таъсирчан механизмнинг амал қилиши муҳим ҳисобланади. Чунки ана шундай омилларнинг мавжудлиги фуқароларни ихтиёрий равишда жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок етиш имконини беради ва бу ҳол ушбу тизимнинг молиявий барқарорлигига ижобий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010-йил 4-июнда 2111-сон билан давлат рўйхатига олинган “Ўзбекистон Республикаси Халқ банкидаги фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ихтиёрий равишда йўналтириладиган маблағларга

⁷⁴ <http://www.stat.uz/press-sluzhba/novosti-gks/1419-o-zbekiston-respublikasining-demografik-holati-4>.

⁷⁵ <http://www.stat.uz/press-sluzhba/novosti-gks/1419-o-zbekiston-respublikasining-demografik-holati-4>.

⁷⁶ <http://www.goodchina.ru/v-kopilku-turista/229-pensii-v-kitae-ili-na-chto-zhivut-kitajskie-pensionery.html>.

жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича имтиёзни қўллаш тартиби тўғрисида”ги Низомга⁷⁷ асосан 2010-йилнинг 1-январидан бошлаб фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Халқ банкидаги фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ихтиёрий равишда йўналтириладиган суммаларига жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи солинмайди. Бунда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича имтиёз жисмоний шахсларнинг солиқ солинадиган даромадларини Ўзбекистон Республикаси Халқ банкидаги фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ихтиёрий равишда йўналтириладиган суммаларига камайтириш (солиқ чегирмаси) тарзида берилади.

5. Фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига мажбурий киритилган бадалларига инфляция даражасидан кам бўлмаган миқдорда даромадлар қўшиб келинмоқда. Ўзбекистонда 2016-йилда инфляция даражаси 5,7 фоизни ташкил қилди⁷⁸. Демак, Халқ банки жамғариб бориладиган пенсия маблағларига ҳар йили 6-8 фоизгача даромад қўшиб боради. Қолаверса, ихтиёрий киритилган маблағларга 2011-йилдан бошлаб Марказий банк қайта молиялаш ставкасидан (ҳозирда бу ставка йиллик 14 фоизни ташкил қилади) юқори миқдорда даромадлар қўшиб келинмоқда. Бу ҳол Халқ банки томонидан аҳолига қулай ва манфаатли бўлган хизматларни таклиф этаётганлигини ҳамда сифатли хизмат кўрсатиш орқали турмуш фаровонлигини янада юксалтираётганлигини кўрсатади.

III боб бўйича хулоса

— мамлакатимиз пенсия тизимининг молиявий ҳолатини комплекс таҳлил етиш, баҳолаш, пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини

⁷⁷ O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi va O'zbekiston Respublikasi Davlat soliq qo'mitasining 2010-yil 3-maydagi "O'zbekiston Respublikasi Xalq bankidagi fuqarolarning shaxsiy jamg'arib boriladigan pensiya hisobvaraqlariga ixtiyoriy ravishda yo'naltiriladigan mablag'larga jismoniy shaxslardan olinadigan daromad solig'i bo'yicha imtiyozni qo'llash tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi qo'shma Qarori va shu asosda tasdiqlangan "O'zbekiston Respublikasi Xalq bankidagi fuqarolarning shaxsiy jamg'arib boriladigan pensiya hisobvaraqlariga ixtiyoriy ravishda yo'naltiriladigan mablag'larga jismoniy shaxslardan olinadigan daromad solig'i bo'yicha imtiyozni qo'llash tartibi to'g'risida"gi Nizom.

⁷⁸ <http://www.cbu.uz/uzc>.

таъминлашнинг омиллари, кўрсаткичлар тизимини таҳлил етиш, тавсифлаш ва таснифлаш, унинг ривожланиш стратегияси ва амалга ошириш босқичларини комплекс таҳлил етиш, ривожланиш тенденцияларини аниқлаш ғоят муҳим аҳамият касб этади;

– Ўзбекистон Республикаси пенсия таъминоти тизимининг жорий ҳолати бир мунча ўзгартиришлар киритилишига муҳтож. Жумладан, фуқароларнинг пенсия миқдори ва меҳнат стажидаги тафовутлар, пенсияга тўланадиган устамалар, пенсия миқдорини оширишга қаратилган ислохотлар, меҳнат стажига ега бўлмаган фуқароларга давлат пенсиялари, суғурта стажи, ёшга доир пенсия тайинлаш учун талаб етиладиган енг кам стажни ошириш, пенсия ёшини ошириш ва ҳ.к. Албатта, бундай чора-тадбирларнинг белгиланиши ва амалга оширилиши Ўзбекистон Республикасидаги пенсия таъминоти тизимининг жорий ҳолатини таҳлил қилиш, пенсия тизимида таъсир етувчи омилларни тадқиқ етиш ва шу асосда тегишли хулосаларни шакллантириш зарурлигини кўрсатади;

– суғурта бадали бўйича тушумлар ҳажми Пенсия жамғармаси даромадлари ҳажмининг ўсишига тўғридан-тўғри боғлиқдир ва бу боғлиқлик жуда кучли. Шу сабабли, Пенсия жамғармаси даромадлари барқарорлигини таъминлашда суғурта бадали тўлови бўйича тушумлар миқдорини кўпайтириш енг муҳим омиллардан ҳисобланади. Бироқ Пенсия жамғармасининг келажакда ҳам барқарор фаолият юритишини таъминлаш, уни келгусидаги демографик ва иқтисодий ўзгаришларга мослаган ҳолда такомиллаштириб бориш, даромад манбаларидан тушумлар миқдорини кўпайтириш макроиқтисодий даражадаги долзарб масаладир. Ушбу масала, аввало, демографик омилларга, хусусан, аҳолининг туғилиш даражасининг пасайишига ҳам боғлиқ бўлади;

– жамғариб бориладиган пенсия тизими тараққиётини таъминлашда қуйидагиларга еътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир: аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш зарур; инфляция суръатларидан юқори турувчи паст

риск ва даромадга ега бўлган ҳамда пенсия маблағларини инвестиция қилиш имкониятини берувчи диверсификациялашган молия бозорлари ва активларнинг мавжуд бўлишини таъминлаш керак; жамғариб бориладиган пенсия тизими даромадлилигининг инфляция даражасидан юқорилигини таъминлаш ва маблағларни жойлаштиришда муқобил манбаларини яратиш лозим; якка тартибдаги тадбиркорлар, юридик шахс ташкил етмаган ҳолдаги деҳқон хўжаликларининг аъзолари, бошқа фуқаролар жамғариб бориладиган пенсия тизимида мажбурий асосида иштирок етиши зарур.

ИИИ БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

3.1. Миллий пенсия таъминоти тизимидаги ўзига хос муаммолар ва уларни бартараф етиш масалалари

Ўзбекистон Республикасида давлат пенсия таъминоти тизимини такомиллаштиришга доир муайян ишлар амалга оширилган бўлиб, умумқабул қилинган пенсия суғуртаси тамойилини жорий етиш билан боғлиқ тизим модернизацияси амалга оширилган. Бироқ, шу билан бирга, ханузгача муносиб пенсия миқдорларига еришишнинг аниқ меъёрлари жорий етилмасдан қолмоқда. Етарли даражада юқори иш ҳақи ва иш стажи давомийлигига ега бўлганлар ҳисобига, суғурта бадаллари билан қопланмаган характердаги пенсиялар тўланиб келинмоқда, ҳозиргача аниқ асосларга ега бўлмаган имтиёзлар амалда бўлиб, пенсия миқдори ва суғурта бадали ўртасидаги ўзаро боғлиқлик тобора заифлашмоқда.

Пенсия жамғармасининг даромадлари ва харажатлари ўртасидаги яқин келажакда кутилаётган номутаносиблик, ўз навбатида, пенсия ва бошқа ижтимоий тўловларни молиялаштиришга тўсқинлик қилиши кўплаб асосий омиллар билан боғлиқ⁷⁹.

Пенсия таъминоти тизими меҳнатга лаёқациз ва кам таъминланган фуқароларни турмуш даражасни таъминлашга ва қўллаб-қувватлашга йўналтирилган иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий ва ташкилий характерга ега бўлган қатор чора-тадбирлар комплексининг амалга оширилишини назарда тутди. Ушбу тизим 3,3 миллиондан кўпроқ фуқароларни ёки мамлакат аҳолисининг тахминан 10 фоизни қамраб олади. Ёшга доир пенсия олувчилар

⁷⁹ Vaxabov A.V. Pensiya tizimining moliyaviy barqarorligini ta'minlash muammolari. "Pensiya tizimining moliyaviy barqarorligini ta'minlash va samaradorligini oshirish" mavzusida O'zbekiston milliy universitetining 100 yilligiga bag'ishlangan respublika ilmiy-amaliy konferentsiyasi materiallari to'plami. 2017-yil 15-noyabr. – Toshkent: "Universitet", 2017. 6-8-b.

– 2 502,6 минг нафар, ногиронлик бўйича пенсия олувчилар – 360,3 минг нафар, боқувчисини йўқотганлик бўйича пенсия олувчилар – 168,5 минг нафар ва ижтимоий нафақа олувчилар – 294,1 минг нафарни ташкил этади.

Амалдаги пенсия таъминоти тизими ҳозирги замон талабларига тўлиқ жавоб бера олмайди, фуқароларни кексайган ёшда, меҳнат қобилятини йўқотганда ва боқувчисини йўқотганда ижтимоий ҳимояси учун максимал даражадаги мақбул шарт-шароитларни таъминлай олмайди.

Хусусан:

– амалдаги Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонунни 1993-йилда тасдиқланган бўлиб, унда тўғри таъсир етувчи нормалар мавжуд емас, пенсия таъминоти ва аҳолининг ижтимоий ҳимояси масалаларини тартибга солувчи кўплаб нормалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Ҳукумат қарорлари билан тасдиқланган бўлиб, бу, ўз навбатида, уларни турли хил талқин етишга олиб келмоқда;

– фуқароларнинг ижтимоий суғурта тизимида узлуксиз ва узоқ муддатли иштирокини рағбатлантириш механизми мураккаб ва шаффоф бўлмасдан қолмоқда, бунинг натижасида меҳнатга лаёқатли аҳолининг деярли 60 фоизи давлат ижтимоий суғуртаси билан қамраб олинмаган;

– имтиёзли пенсия таъминотининг, бугунги кунда дунё амалиётида деярли қўлланилмайдиган алоҳида тоифадаги шахсларнинг пенсияларига асоссиз устама ва қўшимчларнинг кенг амалиёти юзага келган;

– пенсия миқдори ва ходимнинг меҳнат ҳиссаси (улуши) ўртасидаги боғлиқлик ҳам заифлашган, пенсия тўловлари юки ошган, шу муносабат билан яқин келажакда Пенсия жамғармасининг даромадлари ва харажатлари ўртасида номутаносибликлар кутилмоқда, бу еса, ўз навбатида, пенсия ва бошқа ижтимоий тўловларни молиялаштиришга салбий таъсир кўрсатади;

– пенсия таъминоти тизими яхлитлаштирилган ва барча учун тенглаштирилган бўлиб, қуйидаги асосий тамойилларга жавоб бермайди: ижтимоий суғурта бадаллари Пенсия жамғармаси маблағлари асосини

(негзини) ташкил етиши ва қатъий мақсадга –пенсия суғуртасида иштирок етган шахсларнинг пенсия тўловига йўналтирилган бўлиши ҳамда Пенсия жамғармасига тўланадиган мажбурий тўловлар бўйича иш берувчи ва ходим ўртасидаги жавобгарлик аниқ тақсимланиши лозим.

2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида устувор йўналишлардан бири ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилган бўлиб, аҳолининг мажбурий ижтимоий кафолатларини таъминлаш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, шунингдек, кексаларни ва имконияти чекланган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни ўз ичига олади.

Қўйилган вазифаларни ҳал етиш мақсадида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

1) *Пенсия таъминотининг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш соҳасида:*

– тўғридан-тўғри таъсир етувчи нормаларга ега бўлган, замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда пенсияларни ҳисоблашнинг содда ва шаффоф механизмларини ҳамда рағбатлантирувчи характердаги аниқ, шу жумладан, жамғариб бориладиган механизмларни жорий етиш, асоссиз имтиёзлар, қўшимчалар ва устамалар бериш амалиётидан воз кечилган нормаларни назарда тутган Ўзбекистон Республикасининг “Давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонунининг янги таҳририни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.

2) *Пенсия таъминоти тизимида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий етиш соҳасида:*

– пенсия таъминоти соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини фаол татбиқ етиш, “Пенсия” дастурий мажмуини модернизациялаш, навбатни юзага келтирадиган, бунинг натижасида коррупция ва қоғозбозлик ҳолатларини келтириб чиқарадиган қоғоз ҳужжат айланишини бартараф етиш. Пенсияларни ҳисоблашда асос сифатида 2015-

йилдан ташкил етилган фуқароларнинг Пенсия жамғармаси ўтказиб берилган суғурта бадалларининг марказлаштирилган Реестри маълумотларини инобатга олишни жорий этиш.

3) Пенсия таъминоти тизимининг ижтимоий адолати ва самарадорлигини ошириш соҳасида:

– барча ишловчи пенсионерларга пенсияларини тўлиқ миқдорда олиш ҳуқуқини бериш;

– қариялар ва ногиронлар интернат уйларида (пансионатларида) яшовчи ёлғиз пенсионерларга тўланадиган пенсия миқдорини ошириш;

– ИИИ гуруҳ ногиронлиги бор шахсларга қатъий белгиланган миқдорларда нафақаларни жорий этиш.

4) Рағбатлантирувчи механизмларни жорий этиш, пенсия миқдори ва ходимнинг меҳнат ҳиссаси ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ошириш соҳасида:

– фуқароларнинг 35 йилдан ортиқча иш стажининг ҳар бир тўлиқ йили учун пенсияларнинг таянч миқдорини ҳисоблаб чиқарилган ўртача иш ҳақининг 2 фоизи миқдорига оширишни назарда тутиш;

– 54 ёшдан пенсияга чиқиш ҳуқуқига ега бўлган, бироқ пенсияни умумий белгиланган ёшдан кечроқ расмийлаштирган аёлларнинг пенсияларига устамалар белгилаш;

– пенсия ҳисоблаб чиқариш учун ҳисобга олинадиган ўртача иш ҳақини пенсия тайинланаш кунидаги белгиланган енг кам иш ҳақининг 8 баробаридан 12 баробаригача ошириш. Ушбу йўналиш фуқароларнинг меҳнат фаолиятининг давомийлигини ва юқорида миқдорда иш ҳақи олувчиларни рағбатлантиришга қаратилган. Бундай механизмлар Европа давлатлари, АҚШ, Беларус, Украина, Молдова ва бошқа бир қатор давлатлар қонунчилигида назарда тутилган.

5) Ижтимоий суғурта тизимида фуқароларнинг ихтиёрий иштирокни рағбатлантиришни чораларини қўллаш соҳасида:


– пенсия ёшига етган, аммо зарур иш стажига ега бўлмаган фуқароларга, давлат пенсияларини ҳисоблашда етишмаётган стажнинг ҳар

бир ой учун Пенсия жамғармасига бир марталик суғурта бадалларини тўлаш ҳуқуқини таклиф этиш (01.04.2018-йил ҳолатига янги тайинланган пенсияларнинг 55 фоиз улушини тўлиқсиз иш стажи билан тайинланган пенсиялар ташкил этади);

– ишловчи ер (хотин)нинг меҳнатга ҳақ тўлаш кўринишидаги даромадлари ҳисобидан ишламаётган турмуш ўртоғи учун ихтиёрий равишда Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаш ҳуқуқини таклиф этиш. Ер (хотин) ишламаётган турмуш ўртоғи учун Пенсия жамғармасига ихтиёрий суғурта бадаллари тўлаш тизими дунёнинг кўплаб давлатларида мавжуд. Мисол учун, Японияда бу тизим мажбурий характерга ега, бундай тизим Швеция ва Буюк Британияда ҳам мавжуд.


б) *Авлодларнинг молиявий иштироки эквивалентлигини таъминлаш соҳасида:* ёшга доир пенсия тайинлаш учун талаб этиладиган минимал стаж давомийлигини (7 йил) ошириш (ХМТ “Ижтимоий таъминотнинг минимал меъёрлари тўғрисида”ги 102-сонли Конвенциясида ёшга доир пенсия тайинлаш учун талаб етилган енг кам стаж 15 йил қилиб белгиланган. Дунёнинг кўплаб давлатлари, жумладан, МДХ давлатларида талаб етилган енг кам иш стажи 10-15 йилга етказилган); пенсия ёшини босқичма-босқич ошириб, дунё бўйича белгиланган ўртача пенсия ёшига етказиш.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистонда пенсия таъминоти тизимидаги муаммоларни уч гуруҳга ажратиш мумкин:



3.1-расм. Ўзбекистонда пенсия таъминоти тизимидаги муаммолар⁸⁰


Миллий пенсия таъминоти тизимидаги ўзига хос муаммолар далили сифатида шуни таъкидлаш муҳимки, 2018-йилнинг 1-чораги бўйича жами мурожаатларнинг 62,10 фоизи пенсияга оид масалаларга тўғри келади:



3.2-расм. Мурожаат масалаларининг тегишлилиги бо`йича жами мурожаатлардаги улуши⁸¹

⁸⁰ Magistrant tomonidan ishlab chiqilgan.

2018-йилнинг 1-чораги бўйича фуқаролар томонидан барча мурожаатларнинг 80 фоизига яқини пенсияга оид бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонасига мурожаат қилганлар:



3.3-расм. Мурожаат масалаларининг тегишлилиги бо`йича жами мурожаатлардаги улуши⁸²

Албатта, бундай ҳолат миллий пенсия тизимидаги муаммоларнинг долзарблигини кўрсатади ва ушбу муаммолар ечими юзасидан таъсирчан чоралар кўриш зарурлигини талаб қилади.

⁸¹ <https://www.mf.uz>.

⁸² <https://www.mf.uz>.

Пенсия тизимини такомиллаштириш меҳнатга ҳақ тўлаш, солиқ тизими, меҳнат бозорининг ҳолати ва молия бозори билан узвий боғлиқ муаммо ҳисобланади. Ушбу муаммони мамлакатдаги демографик вазият, ишсизлик, мамлакат аҳолисининг табиий ўсиши ва ўртача яшаш ёшининг ортиши билан боғлиқ бўлган масалалардан ажратиб ҳал етиб бўлмайди. Шунингдек, ишлаётганлар сонининг қисқариши, давлат бюджетида аҳолини ижтимоий ҳимоя харажатларининг ортиши, аҳолининг меҳнатга қобилиятли қисмига тушадиган оғирликнинг кўпайиши, бозор иқтисодиётига ўтган мамлакатларда пенсия жамғармаси маблағлари шаклланиши аксарият қисмининг иш берувчилар томонидан тўланиши, иқтисодий ислохотларнинг чуқурлашуви жараёнида ишловчилар иш ҳақи даражасининг ортиши ва мутаносиб равишда, қариликни суғурталашдаги улушининг ортиб бориши жорий пенсия тўловларида узилиш ҳолатларини вужудга келтирмаслиги учун амалдаги пенсия таъминотини молиялаштиришнинг ислоҳ етилишини тақозо етмоқда.

3.2. Миллий пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш йўллари

Ўзбекистон Республикасида пенсия таъминоти тизимини такомиллаштиришда, енг аввало, мамлакатдаги пенсионерлар сони ва уларнинг турмуш фаровонлиги, пенсионерларнинг ўртача пенсия миқдори, пенсионерлар сонининг меҳнатга лаёқатли аҳоли сонига нисбати, ўртача иш ҳақи ва суғурта бадаллари ставкаси, пенсия тизимининг меҳнатга лаёқатли аҳолини қамраб олиш даражаси ва бошқа кўплаб омиллар чуқур таҳлил қилиниши зарур. Сўнг ана шу таҳлил хулосалари асосида пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш йўллари ишлаб чиқиш мумкин бўлади.

Бугунги кунда пенсия таъминоти тизимида бир қанча ижобий ютуқларга еришилганига қарамасдан, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси даромадларини шакллантириш механизмларини замонавий

молиявий сиёсат концепциялари асосида такомиллаштириб бориш, жамғарма маблағларидан оқилона фойдаланиш ва уни мақсадли сарфлашнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий асосларини илмий-амалий тадқиқ етиш лозим. Бунинг учун, энг аввало, пенсия таъминоти назарияси ва пенсия таъминоти борасидаги давлат сиёсати, давлат пенсия таъминоти тизимидаги пенсияларнинг турлари, жамғариб бориладиган пенсия таъминоти борасида қонунчиликни такомиллаштириб бориш муҳимдир.

Ушбу соҳадаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, соҳага ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий етиш, архивлар фаолиятини янада ривожлантириш фуқароларнинг ортиқча оворагарчилигини камайтириб, бюрократик тўсиқларни бартараф етишга хизмат қилади.

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистонда демографик омилларнинг чуқур таҳлили асосида аҳоли ёши таркибининг ўзгаришлари бўйича узоқ йиллик прогнозларни ишлаб чиқиш ва шу асосда пенсия тизимини ислоҳ қилиш стратегиясини белгилаб олиш зарур. Бу еса истиқболда пенсия тизимида юзага келиши мумкин бўлган номутаносибликларни олдини олиш ҳамда тизимнинг барқарор фаолият юритишини таъминлаш ва шу орқали жамиятдаги ижтимоий зиддиятларни бартараф етади.

Тараққий етган мамлакатлар тажрибаларидан келиб чиқиб:

– мамлакатимизда пенсияга чиқиш ёшини ижтимоий-иқтисодий омилларни инобатга олган ҳолда, қадам-бақадан узайтириб бориш лозим. Бу ҳолда турли ижтимоий зиддиятларнинг юзага келишини олдини олиш учун кеч пенсияга чиқишни рағбатлантирувчи омилларни ишлаб чиқиш зарур бўлади. Бунда ишчи ёки ходим кўпроқ меҳнат қилади, пенсияга чиқиши кечиктирилади ҳамда мазкур давр мобайнида Пенсия жамғармасига суғурта бадалларини ўтказиб боради;

– Ўзбекистонда хусусий пенсия фондларини ташкил етиш ва улар фаолиятини ривожлантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий асосларини ишлаб чиқиш зарур.

Пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлашда:

– биринчидан, фуқароларнинг мажбурий ва ихтиёрий суғурта бадалларига асосий еътиборни қаратиш зарур. Уларнинг ставкаларини ошириб бориш сиёсатини давом еттирган ҳолда пировардида ҳисоблаб чиқариладиган пенсия миқдорини ишловчининг тўлаган суғурта бадалига боғлиқлигини таъминлаш ва шу орқали мазкур манбадан тушумлар миқдорини ошириш ҳамда иқтисодий адолатни таъминлаш лозим;

– иккинчидан, аҳолини пенсия тизимига жалб етиш қамровини кенгайтириш, уларни Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўланиш тизимини такомиллаштириб бориш лозим. Бу борада мамлакатимиз ва чет елда норасмий иш билан банд бўлган фуқароларни пенсия тизимига жалб етиш зарур бўлади. Бунинг учун оммавий ахборот воситалари, вақтли матбуот ва телевидение орқали аҳолини пенсия тизимига жалб қилиш ва истиқболда ундан манфаатдорлигини таъминлашга қаратилган кенг қамровли тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш керак;

– бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағларининг мақсадли сарфланиши устидан назоратни кучайтириш ва унинг мониторингини самарали ташкил етиш зарур.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, мамлакатимизда пенсия тизимини ривожлантириш, пенсия таъминотининг молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикасининг пенсия таъминоти тизимини ривожлантириш Концепциясини ишлаб чиқиш зарур. Бунда мамлакат пенсия тизимининг жорий ҳолати таҳлили натижаларидан келиб чиқиб: пенсия суғуртаси тизимини такомиллаштириш, унинг инфратузилмасини ривожлантириш, нодавлат пенсия фондларини ташкил етиш ва улар

фаолиятини ривожлантириш (“Хусусий пенсия фондлари фаолияти тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиш ва хусусий пенсия фондлари фаолиятини лицензиялаш масалалари), аҳолининг пенсия бўйича саводхонлигини ошириш кабиларга алоҳида еътибор қаратиш зарур.

2. Аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш. 2017-йил 1-январ ҳолатига Ўзбекистон аҳолисининг 60,5 фоизини меҳнатга лаёқатли ёшдагилар ташкил қилади. Уларнинг иш билан тўлиқ банд етилиши, ўз навбатида, суғурта бадалларидан (8%) тушумлар миқдорининг ошишига ҳамда жамғариб бориладиган пенсия маблағларининг (иш ҳақининг 2 %) кўпайишига олиб келади. Бундай ҳолат, биринчидан, “авлодлар бирдамлиги” принципининг амал қилишини, иккинчидан, келгуси пенсия таъминотининг барқарорлигини, пировардида пенсия тизимида фуқаролар қамровининг мутаносиблигини таъминлайди. Бунда ноқонуний меҳнат миграцияси ва “яширин ишсизлик” муаммоларини бартараф етиш талаб етилади.

3. Пенсияга чиқиш ёшини ошириш. Бу ҳолат, аҳолининг умр давомийлигига боғлиқ бўлиб, ўртача умр давомийлигининг ошиб бориши пенсия ёшини оширишни талаб қилади. Пенсия ёшининг оширилиши пенсия харажатларини қисқартириб, ишчи кучининг ортиши ҳисобига иқтисодиётни рағбатлантиради. Пенсияга чиқиш ёшини оширишни 2 вариантда кўриш мумкин: 60/60 ёки 62/57. Иккала вариант ҳам пенсия юки коэффициентини (пенсионерлар сонининг меҳнатга лаёқатли аҳоли сонига нисбати) камайтириш имконини беради. Экспертларнинг фикрича, пенсияга чиқиш ёшининг 1 йилга узайтирилиши мақсадли маблағларнинг 5-7 фоиз иқтисод қилинишини таъминлайди;

4. Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимининг жозибадорлигини ошириш. Бунда жамғарилган пенсия маблағлари инфляцияни қоплаши, тижорат банкларидаги муддатли омонатларнинг даромадлари билан таққосланадиган даражадаги даромадларни олишга имкон берувчи жамғариладиган тизимнинг ишлаши, рақобатни ривожлантириш кабиларга еътибор қаратиш зарур.

Миллий пенсия тизимини ислоҳ қилишнинг яна бир йўналиши сифатида кўпгина давлатлар жамғариб бориловчи пенсия тизимларини амалиётга кенгроқ жорий этишни танлаяптилар. Ушбу тизим тақсимоат принципларига асосланган пенсия таъминотининг классик моделидан фарқли ўлароқ, пенсия фонди тушумларини ҳар бир жисмоний шахс учун очилган махсус ҳисобварақларида жамлаб боришни назарда тутди. Жисмоний шахс пенсия ёшига етгунга қадар еғилиб боровчи маблағлар ушбу давр мобайнида еркин молиявий ресурс сифатида капиталлаштирилиб, унинг евазига дивидент олишни назарда тутди. Бу шаклдаги молиявий фойда ҳам шахсий ҳисобварақларга йўналтирилиб, маблағлар суммасини оширилишига еришилади. Ушбу тизим иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларда у ёки бу шаклда узоқ йиллар давомида қўлланиб келинишига қарамай, амалиётда соф ҳолатда камдан-кам ҳолдада учрайди. (Чили, Қозоғистон давлатлари ва ҳ.к.).

Жамғариб бориловчи пенсия таъминоти тизимининг барча моделларини асосан икки гуруҳга жамлаш мумкин. Мажбурий равишда ташкил етилган тизим ва ихтиёрий равишда қўлланилувчи тизим. Агар мажбурий равишда амалга оширилувчи жамғариб бориловчи пенсия таъминоти тизимлари ҳар бир мамлакатда давлат томонидан регламентлаштирилиб борилиб, унда иштирок этиш барча учун тенг равишда мажбурий бўлса, ихтиёрийлик асосида ташкил етилган жамғариб бориловчи пенсия таъминоти тизимида, ҳар бир шахс ўз ихтиёрига кўра бу тизимда иштирок этиши ва турли кўринишда бўлган пенсия таъминоти моделларидан фойдаланиши мумкин. Пенсия фондлари еса асосан хусусий шаклдаги суғурта компаниялари, пенсия фондлари, банклар ва бошқа кўринишдаги молиявий муассасалар бўлиши мумкин. Улар асосан суғурталаш принциплари асосида фаолият олиб борадилар. Аммо, Австралия, Дания, Франция каби мамлакатларда жамғариб бориловчи хусусий пенсия тизимларида иштирок этиш барча ишловчилар учун мажбурийдир.

Жамғариб бориловчи пенсия таъминоти тизимининг яна бир шакли – корпоратив пенсия таъминоти тизимидир. Унинг ўзига хос жиҳати шундан иборатки, бу тизим асосан корхона, ташкилот ва ҳатто тармоқ ичида касаба уюшмаси ва иш берувчилар томонидан тузилган шартнома асосида фаолият кўрсатади. Ушбу тизим орқали олинувчи пенсия суммалари давлат пенсия тизими орқали олинувчи пенсияларга қўшимча сифатида намоён бўлади ва ҳозирда чет мамлакатларда қарияларни моддий жиҳатдан таъминланишида муҳим рол ўйнайди. Масалан АҚШ, Буюк Британия, Германия, Нидерландия, Япония каби давлатларда актив меҳнат ёшидаги аҳолининг 40 фоизидан кўпроғи корпоратив пенсия таъминоти тизими билан қамраб олинган.

Бизнинг фикримизча, пенсия тизими самарали, молиявий барқарор фаолият кўрсатиши учун қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим: ижтимоий самарали – пенсиялар суғурта қилинган ишловчиларни турмуш даражасини сақлаб қолиш ва суғурта қилинмаганларни камбағаллашувига йўл қўймаслиги лозим; шахсий адолат – пенсиялар меҳнат фаолият жараёнида тўланган суғурта бадаллари миқдorigа мутаносиб равишда меҳнат даромадларини йўқотишини қоплаши лозим; иқтисодий қулайлик – пенсия бадаллари хўжалик субъектлари, фуқаролар учун молиявий жиҳатдан оғир бўлиши керак эмас; суғурта фондларининг молиявий барқарорлиги – узоқ муддатли истиқболда пенсия тўловлари аниқ ва қафолатланган бўлиши лозим; мажбурий иштирок – пенсия тизими мажбурий тўловлар ҳисобига шаклланиши лозим; пенсиянинг таъминланганлиги – пенсия олиш ҳуқуқига тўланган бадаллар ҳисобига еришиш, унинг қиймати пенсия бадаллари қиймати ва тўловининг давомийлигига боғлиқ бўлиши зарур; пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини мунтазам баҳолаб бориш лозим.

Фикримизча, Ўзбекистонда ўрта муддатли истиқболда пенсия тизимини молиявий барқарорлигини таъминлаш учун қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

1. Ўзбекистонда пенсия тизимини молиявий барқарорлигини

таъминлашга қаратилган мақсадли давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш лозим;

2. Ўзбекистонда кўп даражали комбинациялашган пенсия тизимини шакллантириш мақсадга мувофиқ;

3. “Нодавлат пенсия таъминоти” каби пенсия тизимини модернизациялашнинг ҳуқуқий асосини ташкил етувчи қонунни қабул қилиш лозим;

4. Ўзбекистонда пенсияни меҳнат стажига қараб тўлашдан суғурта стажига асосан тўлашга босқичма-босқич ўтиш керак.

5. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларни жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисидаги” қонун нормаларини амалиётга самарали жорий етиш учун қонуности ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш лозим;

6. Пенсия жамғармаси маблағларини шакллантириш механизмни такомиллаштиришда бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмаларни ҳисоблаш объектига корхоналар фаолиятидан олинган бошқа даромадлар ҳам киритилиши лозим;

7. Жаҳонда пенсия таъминотининг молиявий барқарорлигини таъминлашнинг илғор тажрибаларини Республикамиз амалиётида қўллаш мақсадида аҳоли турмуш даражасини ошаётганлигини ҳисобга олиб, ижтимоий тўловлар юкини иш берувчилардан ишчи ва ходимлар зиммасига босқичма-босқич ўтказиш, яъни амалдаги 87:13 нисбатни истиқболда 50:50 нисбатга етказишни таъминлаш мақсадга мувофиқ;

8. “Бирдамлик” пенсия тизимидан босқичма-босқич жамғариладиган пенсия тизимига ўтиш сиёсатини изчиллик билан амалга ошириш зарур.

ИИИ боб бўйича хулоса:

– амалдаги миллий пенсия таъминоти тизими ҳозирги замон талабларига тўлиқ жавоб бера олмайди, фуқароларни кексайган ёшда, меҳнат қобилиятини йўқотганда ва боқувчисини йўқотганда ижтимоий ҳимояси учун максимал даражадаги мақбул шарт-шароитларни таъминлай олмайди.

Буни фуқароларнинг пенсияга оид мурожаатларининг кўплиги ҳам тасдиқлаб турибди;

– пенсия таъминоти тизимига оди муаммоларни ҳукукий, демографик ва ижтимоий-иқтисодий омиллар билан боғлиқ муаммоларга таснифлаш мумкин ва ҳар бир йўналиш бўйича таъсирчан чора-тадбирлар кўрилиши талаб етилади;

– пенсия тизимидаги асосий муаммолар сифатида қуйидагиларни таъкидлаш ўринлидир: ходимнинг пенсияси ва меҳнат стажидаги тафовут; пенсияга устама тўловлар ва имтиёзли шартлардаги пенсиялар улушининг юқорилиги; пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун қабул қилинадиган ўртача ойлик иш ҳақи миқдорини камлиги ва бу пенсия миқдорига салбий таъсир кўрсатиши; пенсия ёшига тўлган, бироқ зарур меҳнат стажига ега бўлмаган фуқароларга давлат пенсияларини ҳисоблашда стажнинг ҳар бир етишмаётган ойи учун Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари суммасини бир марталик тартибда тўлаш ҳуқуқинининг мавжуд эмаслиги; ёшга доир пенсия тайинлаш учун талаб етиладиган енг кам стажнинг нисбатан камлиги ва унинг босқичма-босқич ошириш зарурлиги;

– мамлакатимизда пенсия тизимини ривожлантириш мақсадида пенсия таъминоти тизимини ривожлантириш Концепциясини ишлаб чиқиш, аҳолининг иш билан бандлигини ва пенсия тизими билан қамраб олиш даражасини таъминлаш, босқичма-босқич пенсияга чиқиш ёшини ошириш, жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимининг жозибадорлигини ошириш мақсадга мувофиқдир.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

1. Қарилликда, ногиронликда ёки боқувчисини йўқотганда моддий таъминлаш учун мунтазам тўланиши мўлжалланган пуллик тўловларга пенсия дейилади. Мамлакат фуқароларини маълум ёшга етганда, ногиронликда, боқувчисини йўқотганда моддий жиҳатдан таъминлаш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқий, молиявий, ташкилий муносабатлар, шунингдек, махсус ихтисослашган ташкилий тузилмалар йиғиндисига пенсия тизими дейилади;

2. ХХИ аср бошларида жаҳон мамлакатларида авлодлар бирдамлиги ва жамғариш тизимларига асосланган пенсия тизимлари амал қилмоқда. Бирдамлик пенсия тизими авлодлар, иш берувчилар ва ишловчилар, юқори ва паст иш ҳақи олувчи ходимлар бирдамлигига асосланган ва у бирдамлик тамойили асосида молиялаштирилади. Бирдамлик пенсия тизими давлатга тегишли бўлиб, уни корхона ёки бир тармоқ миқёсида ташкил етиш мумкин емас. Бирдамлик тизимининг муҳим жиҳати шундаки, у қайта тақсимлаш тамойилига асосланганлиги учун пенсионерлар ўртасида қашшоқликни жиддий камайтиради;

3. Пенсия таъминоти тизими ҳуқуқий асосларининг такомиллаштирилиши ва “Давлат пенсия таъминоти тизимини ислоҳ етиш концепцияси”нинг яратилиши, пировардида, пенсионерларни муносиб турмуш тарзи билан таъминлаш, уларнинг ҳаёт даражасини янада ошириш имконини беради;

4. Дунёда пенсия тизимини ислоҳ қилишнинг учта: мажбурий пенсия суғуртаси тизими; аралаш пенсия модели; тақсимловчи пенсия тизимининг ўрнини тўлиқ қопловчи ва пенсияни молиялаштиришнинг жамғариб бориладиган принципига асосланган пенсия моделлари мавжуд бўлиб, улар ҳар бир мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатидан келиб чиқиб амалга оширилмоқда;

5. Миллий пенсия тизимининг молиявий ҳолатини комплекс таҳлил

етиш, баҳолаш, пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлашнинг омиллари, кўрсаткичлар тизимини таҳлил етиш, тавсифлаш ва таснифлаш, унинг ривожланиш стратегияси ва амалга ошириш босқичларини комплекс таҳлил етиш, ривожланиш тенденцияларини аниқлаш ғоят муҳим аҳамият касб этади;

6. Ўзбекистон Республикаси пенсия таъминоти тизимининг жорий ҳолати бир мунча ўзгартиришлар киритилишига муҳтож. Жумладан, фуқароларнинг пенсия миқдори ва меҳнат стажидаги тафовутлар, пенсияга тўланадиган устамалар, пенсия миқдорини оширишга қаратилган ислохотлар, меҳнат стажига ега бўлмаган фуқароларга давлат пенсиялари, суғурта стажи, ёшга доир пенсия тайинлаш учун талаб етиладиган енг кам стажни ошириш, пенсия ёшини ошириш ва ҳ.к. Албатта, бундай чоратадбирларнинг белгиланиши ва амалга оширилиши Ўзбекистон Республикасидаги пенсия таъминоти тизимининг жорий ҳолатини таҳлил қилиш, пенсия тизимида таъсир етувчи омилларни тадқиқ етиш ва шу асосда тегишли хулосаларни шакллантириш зарурлигини кўрсатади;

7. Суғурта бадали бўйича тушумлар ҳажми Пенсия жамғармаси даромадлари ҳажмининг ўсишига тўғридан-тўғри боғлиқдир ва бу боғлиқлик жуда кучли. Шу сабабли, Пенсия жамғармаси даромадлари барқарорлигини таъминлашда суғурта бадали тўлови бўйича тушумлар миқдорини кўпайтириш енг муҳим омиллардан ҳисобланади. Бироқ, Пенсия жамғармасининг келажакда ҳам барқарор фаолият юритишини таъминлаш, уни келгусидаги демографик ва иқтисодий ўзгаришларга мослаган ҳолда такомиллаштириб бориш, даромад манбаларидан тушумлар миқдорини кўпайтириш макроиқтисодий даражадаги долзарб масаладир. Ушбу масала, аввало, демографик омилларга, хусусан, аҳолининг туғилиш даражасининг пасайишига ҳам боғлиқ бўлади;

8. Жамғариб бориладиган пенсия тизими тараққиётини таъминлашда қуйидагиларга еътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир: аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини

янада ривожлантириш зарур; инфляция суръатларидан юқори турувчи паст риск ва даромадга ега бўлган ҳамда пенсия маблағларини инвестиция қилиш имкониятини берувчи диверсификациялашган молия бозорлари ва активларнинг мавжуд бўлишини таъминлаш керак; жамғариб бориладиган пенсия тизими даромадлигининг инфляция даражасидан юқорилигини таъминлаш ва маблағларни жойлаштиришда муқобил манбаларини яратиш лозим; якка тартибдаги тадбиркорлар, юридик шахс ташкил етмаган ҳолдаги деҳқон хўжаликларининг аъзолари, бошқа фуқаролар жамғариб бориладиган пенсия тизимида мажбурий асосида иштирок етиши зарур.

9. Амалдаги миллий пенсия таъминоти тизими ҳозирги замон талабларига тўлиқ жавоб бера олмайди, фуқароларни кексайган ёшда, меҳнат қобилиятини йўқотганда ва боқувчисини йўқотганда ижтимоий ҳимояси учун максимал даражадаги мақбул шарт-шароитларни таъминлай олмайди. Буни фуқароларнинг пенсияга оид мурожаатларининг кўплиги ҳам тасдиқлаб турибди;

10. Пенсия таъминоти тизимида оид муаммоларни ҳуқуқий, демографик ва ижтимоий-иқтисодий омиллар билан боғлиқ муаммоларга таснифлаш мумкин ва ҳар бир йўналиш бўйича таъсирчан чора-тадбирлар кўрилиши талаб етилади;

11. Пенсия тизимидаги асосий муаммолар сифатида қуйидагиларни таъкидлаш ўринлидир: ходимнинг пенсияси ва меҳнат стажидаги тафовут; пенсияга устама тўловлар ва имтиёзли шартлардаги пенсиялар улушининг юқорилиги; пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун қабул қилинадиган ўртача ойлик иш ҳақи миқдорини камлиги ва бу пенсия миқдorigа салбий таъсир кўрсатиши; пенсия ёшига тўлган, бироқ зарур меҳнат стажига ега бўлмаган фуқароларга давлат пенсияларини ҳисоблашда стажнинг ҳар бир етишмаётган ойи учун Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари суммасини бир марталик тартибда тўлаш ҳуқуқинининг мавжуд емаслиги; ёшга доир пенсия тайинлаш учун талаб етиладиган енг кам стажнинг нисбатан камлиги ва унинг босқичма-босқич ошириш зарурлиги;

12. Ўзбекистон Республикасида пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш мақсадида қуйидаги таклиф-тавсиялардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир:

- пенсияга чиқиш учун талаб қилинадиган меҳнат стажидан суғурта стажига ўтиш зарур. Бунда охириги 10 йиллик иш стажидан 5 йиллик иш стажидан бўйича эмас, балки ишловчининг бутун ишлаган давридаги суғурта стажидан, яъни жами ишлаган йиллар даврида тўлаган суғурта бадаллари суммаси бўйича ҳисобланиши ижтимоий адолатни таъминлайди;

- имтиёзли шартлардаги пенсиялар ва пенсияга устамалар тартибини қайтадан кўриб чиқиш ва айримларини бекор қилиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, Пенсия жамғармаси даромадларининг асосий қисми ҳам ана шу турдаги пенсиялар тўловига сафарбар этилмоқда. Масалан, имтиёзли шартларда тайинланган пенсиялар улуши 592,4 минг кишини ёки жами тайинланган пенсияларнинг 19,5 фоизини ташкил этиб, шундан, ёшга доир пенсиялар 23,7 фоизни ташкил этади. Йилига ўрта ҳисобда 39,8 мингта имтиёзли пенсия тайинланмоқда. Ана шуларни еътиборга олиб, Ўзбекистон Республикаси олдида алоҳида хизматлари бўлган шахсларга, ёшидан қатъи назар имтиёзли пенсияга чиқиш ҳуқуқига ега бўлган артистларга, театр-концерт ташкилотлари артистлари ва бадиий ходимларига, театр ва мусиқа санъати ижодий ходимлари тайёрловчи ўқув муассасаларининг профессор-ўқитувчилари ва концертмейстерларига бериладиган имтиёзли шартлардаги пенсиялар ва пенсияларига устама ҳақларни бекор қилиш зарур;

- кексаларнинг асосий даромад манбаи пенсия ҳисоблангани боис Пенсия жамғармаси маблағларини ошириш учун хорижга ишлаш учун кетган фуқароларга нисбатан мажбурий тартибда Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари ўтказиб бориш механизми ишлаб чиқилиши зарур. Бу, биринчидан, фуқароларнинг пенсия таъминоти билан қамраб олиш даражасининг ошишига, иккинчидан, Пенсия жамғармаси даромадлар базасининг кенгайишига олиб келади;

– Пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлашда: аҳолини пенсия тизимига жалб етиш қамровини кенгайтириш, самарали бандликни таъминлаш, уларни Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўланиш тизимини такомиллаштириб бориш лозим. Бу борада мамлакатимиз ва чет елда норасмий иш билан банд бўлган фуқароларни пенсия тизимига жалб етиш зарур бўлади;

– суғурта бадали бўйича тушумлар ҳажми Пенсия жамғармаси даромадлари ҳажмининг ўсишига тўғридан-тўғри боғлиқ ва бу боғлиқлик жуда кучли. Шунинг учун Пенсия жамғармаси даромадлари барқарорлигини таъминлашда суғурта бадали тўлови бўйича тушумлар миқдорини кўпайтириш енг муҳим омиллардан саналади; б

– Пенсия жамғармаси маблағларининг мақсадли сарфланиши устидан назоратни кучайтириш ва унинг мониторингини самарали ташкил етиш керак;

– жамғариб бориладиган пенсия тизими тараққиётини таъминлаш мақсадида 2018-2030-йилларга мўлжалланган “Ўзбекистонда жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимини ривожлантириш концепцияси” ишлаб чиқирилиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 1992-йил 8-декабр.
2. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси. 2007-йил 25-декабр.
3. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси. 1995-йил 21-декабр.
4. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси. (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013-й.
5. Ўзбекистон Республикасининг 1993-йил 3-сентябрдаги “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонуни.
6. Ўзбекистон Республикасининг 2004-йил 2-декабрдаги “Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонуни.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 декабрдаги “Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4161-сонли Фармони.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 7-февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 20-ноябрдаги “Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида”ги Фармони.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрелдаги “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги Фармони.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 18 февралдаги “Кексаларни ёзозлаш йили” Давлат дастури тўғрисида”ги ПҚ-2302-сонли Қарори.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016-йил 27-декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-2699-сонли Қарори билан.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрда ПҚ-3454 сонли “Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги қарори

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендияларни тўлаш механизмининг такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-2753-сонли Қарори.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 мартдаги “Пенсиялар ва нафақалар тўлаш механизмининг янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2826-сонли Қарори.

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993-йил 4-августдаги 391-сонли “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ижтимоий суғурта жамғармасининг ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000-йил 15-ноябрдаги 444-сонли “Ўзбекистон Республикаси пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004-йил 21-октябрдаги “Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасини бошқаришни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 490-сонли Қарори.

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 апрелдаги 107-сон қарори билан тасдиқланган “Пенсия тайинлаш учун зарур бўлган иш стажига ега бўлмаган қарияларга ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низом.

20. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011-йил 8-сентябрдаги “Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартибини янада такомиллаштиришга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 252-сонли Қарори.

21. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2018 йил 13 февралдаги “Ички ишлар органлари ходимларига пенсия ва нафақа тайинлаш ҳамда тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги 36-сонли буйруғи.

22. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. Халқ сўзи.// 06.12.2014.

23. Мирзиёев Ш.М. Еркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо етамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимидаги киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис

палаталарининг кўшма мажлисидаги нутқ. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2016. – 56 б.

24. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017. – 104 б.

25. Аллаяров Ш., Тошмухамедова Д. Давлат пенсия таъминоти. Ўқув қўлланма. – Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2015. – 232 б.

26. Ахмедов Д.Қ. Ижтимоий таъминот ҳуқуқи. Масъул муҳаррир: ю.ф.д. И.Насриев. – Т.: “ТДЮИ”, 2008. – 202 б.;

27. Борисенко Н.Ю. Пенсионное обеспечение. Учебник. – М.: «Дашков и К0», 2009. – 576 с.

28. Бровчак С.В. Пенсионное обеспечение. Российский и зарубежный опыт. – М., 2009. – С. 12.

29. Ваҳобов А., Маликов Т. Молия. Дарслик. – Т.: “Ношир”, 2012. – 676 б.

30. Маматов Б.С. Пенсия жамғармаси фаолияти. – Т.: “Баркамол файз медиа”, 2017. – 280 б.

31. Касимова Г.А., Шолдорев Д.А. Пенсия таъминоти маблғларини бошқариш. Монография. – Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2017. – 225 б.

32. Касимова Г.А., Ботиров А.А. Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти. Монография. – Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2015. – 118 б.

33. Орлов С.Н., Шеметов А.П. Пенсионное обеспечение в Российской Федерации. Монография. – Курган: “КГУ”, 2013. – 156 с.

34. Срожиддинова З.Х. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими. Дарслик. – Т.: “инфоСом.УЗ”, 2010. – 367 б.

35. Инсон тараққиёти. Дарслик. и.ф.д., проф. Қ.Х. Абдурахмонов таҳрири остида. – Т.: “Иқтисодиёт”, 2013. – 350 б.

36. Романченко В.С. Сравнительный анализ международного опыта развития пенсионной системы. Вестник МИЕП. 2015. № 3 (20). С. 58-73.

37. Жун Пенг. Стате анд Лосал Пенсион Фунд Манагемент. (Публис Администратион анд Публис Полисй) Отх Едитион. УСА: Публишер: Ауербач Публисатионс (Аугуст 21, 2008). – 288 п.;

38. Роберт Ф., Беатрисе Ш. Пенсионс анд фертилитй баск то тхе рооц: Тх е интродустион оф Бисмарскъс пенсион счеме анд тхе Еуропеан фертилитй деслине. Еуропеан Централ Банк. Воркинг папер сериес. 2014. Н 1734. 6 п.

39. Антропов В.В. Экономические модели социальной защиты населения в государствах ЕС. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук. – М.: Мировая экономика и международные отношения. 2007. – С. 11.

40. Вахабов А.В. Пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш муаммолари. “Пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш ва самарадорлигини ошириш” мавзусида Ўзбекистон миллий университетининг 100 йиллигига бағишланган республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. 2017-йил 15-ноябр. – Тошкент: “Университет”, 2017. 4-5-б.

41. Волков Я. Моделирование пенсионных реформ и оценка неявного пенсионного долга // Вопросы экономики. – Москва, 2009. - №4. – С. 113-127.

42. Давронов Ш.З. Формирование пенсионной системы Республики Узбекистан и возможные угрозы дисбаланса доходов и расходов. “Пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш ва самарадорлигини ошириш” мавзусида Ўзбекистон миллий университетининг 100 йиллигига бағишланган республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. 2017-йил 15-ноябр. – Тошкент: “Университет”, 2017. 19-б.

43. Рахматова Н.А. Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти маблағларини самарадорлигини ошириш йўллари. “Пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш ва самарадорлигини ошириш” мавзусида Ўзбекистон миллий университетининг 100 йиллигига бағишланган

республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. 2017-йил 15-ноябр. – Тошкент: “Университет”, 2017. 185-б.

44. Федотов А.И. Анализ моделей построения пенсионных систем // Труды ИСА РАН. 2008. № 38. С. 168–173.

45. Федотов А.И. История возникновения пенсионных систем в зарубежных странах. Труды ИСА РАН 2006. Т. 23.

46. Зокирова М.Ш., Абдуғаффоров А.А. Иқтисодий моделлаштириш амалиёти. – Т.: “Ўзбекистон”, 1999. 9-б.

47. Костюнина Г.М. Реформирование пенсионных систем в странах Латинской Америки // Труд за рубежом. – 2007. – №3. – С.79-97.;

48. Умурзаков Б.Х. Пенсия бадали солиқ тўловларидан нима билан фарқланади?. – Т.: “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” электрон журнали. 1-сон, 2011. 5-б.

49. Ижаева А.Р. Концепция развития пенсионной системы Российской Федерация в посткризисный период: автореф. ... к.е.н. – Москва: ФГБОУ ВПО Гос. Унив. Управ..2013. – 31 с.

50. Маматов Б., Ачилов У. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали, 4-сон. 2017 йил. www.интерфинансе.уз.

51. Маматов Б., Аметова Ф. Жамғариб бориладиган пенсия тизими даромадлари ва харажатлари мутаносиблигини таъминлаш. “Иқтисод ва молия” илмий-амалий журнали, 2-сон, 2018 йил. 41-49-б.

52. Муравлева Т.В. Новые подходы к определению пенсионного возраста//Финансы и кредит. – Москва, 2011. - №43(475). – С.2-6.

53. Черняева Д. В. Повышение пенсионного возраста как элемент пенсионной реформы: сравнительно-правовой анализ // Трудовое право. 2010. № 6. С. 23–29.

54. Мажидов Н. Ниязов М. Пенсия тизимини тартибга солишнинг хориж тажрибаси. “Бизнес-эксперт” журнали, 2016. 11-сон. 40-б.

55. Материалы центр экономических исследований БЕРОС (Белорусский экономический исследовательско-образовательный центр). Минск, Беларусь. 2015 г. – Стр. 22. Пенсионная система Беларуси: текущее состояние и необходимость реформ. http://www.берос.бй/публикации/полисы_паперс.

56. Старение и политика занятости / Секретариат ОЕСР. www.форум-твс.ру/индекс.пхп?showтопис=14395.

57. Гладишева Е. В Европе поднимут пенсионный возраст// Российская газета. 2010. 9 июля. – Стр 9.

58. Пенсионс ат а Глансе 2015: ОЕСД анд Г20 индикаторс, ОЕСД Публишинг.

59. Пенсионс ат а Глансе 2017: ОЕСД анд Г20 Индикаторс © ОЕСД 2017. – П. 155.

60. Дйнамис Сосиал Сесуритй фор Еуропе: А сосиал модел фор ресоверй анд гровтх // Сосиал Полисй Хигхлигхт. Генева: Интернационал сосиал сесуритй ассоциатион, 2010. - № 11. - П. 2.

61. Еуропеан Сентрал Банк. Статистисал Дата Варехоусе. УРЛ: <http://сдw.есб.еуропа.еу/репорц.до?ноде=1000003541>.

62. Еуростат. Сосиал протестион датабасе. УРЛ: <http://ес.еуропа.еу/еуростат/веб/сосиал-протестион/дата/датабасе>.

63. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Юнусобод тумани бўлими маълумотлари

64. Интернет сайтлари:

– www.gov.uz (Ўзбекистон Республикаси ҳукумат портали);

– www.mf.uz (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги расмий сайти);

– www.lex.uz (Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилиги);

– www.stat.uz (Ўзбекистон Давлат статистикаси қўмитаси сайти);

– <http://пфру.уз> (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг сайти);

– <http://www.xb.uz>.

– <http://www.сбу.уз/узс>.

- [хттпс://студме.орг;](https://студме.орг;)
- [хттп://пенсия-эксперт.ру.](http://пенсия-эксперт.ру)
- [хттпс://регнум.ру/news/1874106.хтмл.](https://регнум.ру/news/1874106.html)
- [хттпс://www.сиа.гов.](https://www.сиа.гов)
- [хттп://www.гоодчина.ру](http://www.гоодчина.ру)